БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 92 (18.270). • Сешанба, 1982 йил 20 апрель • Баҳоси 3 тийин.

СССР 60 йиллигига зарбдор ҳафта

ССР ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТАНИНГ 24-ҲАФТАСИ БОШЛАНДИ. СОВЕТ КИШИЛАРИ БУ ҲАФТАЛИКДАГИ ЗАРБДОР ИШЛАРИ ВА МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИНИ БАШАРИЯТ ДОҲИЙСИ, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ АСОСЧИСИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИНГА БАҒИШЛАМОҚДАЛАР.

КАДРЛАР КАМО ЛОТИ

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи директори Ирик Харасович Мусиннинг меҳнат фаолияти она-Ватанга садоқат, партиявий бурчга эътиқод намунасидир. У ёшликдан саноат билан тиллашади. Республикамиз машинасозлигининг эртанги истиқболи, ёркин, нурли келажаги ҳақида қайғуриш унинг кундалик ишига, ҳаёти ва турмуш мазмунига айланиб кетган. Машинасозлик техникуми, кейинчалик Тошкент политехника институтини тамомлаган Ирик Харасович меҳнат фаолиятини оддий мастерликдан бошлаган эди. У ўн икки йил мобаинида республикамиз пойтахтида қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонасини маҳорат билан бошқарди. Мана, тўрт йилдирки, у улкан корхона — Тошкент трактор заводининг бош директори.

Корхона коллективи ажойиб ташкилотчи, жонкуяр коммунист ва меҳрибон раҳбар етакчилигида Минск, Владимир ва бошқа шаҳарлардаги тўрдош корхоналар билан ҳамкорликда пахтачилик учун кучли тракторлар ишлаб чиқаришни таъминламоқда. У мамлакатимиздаги трактор заводлари иш тажрибасини инженерлик салоҳияти билан идрок этиб, корхона фаолиятига уйғунлаштираётир. Завод социал-иқтисодий юксалиш йўлидан дадил олға бормоқда. Ирик Харасовичнинг ишбилармон раҳбар, уддабурон мутахассислиги унга обрў-эътибор ва иззат-ҳурмат келтираётир. Тажрибали ишлаб чиқариш командири, область партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашмоқда.

Ўлкамизда хўжалик ва маданий қурилишнинг турли жабҳаларида раҳбарлик маҳоратини ошириш эгаллаган, сергайрат, юксак эътиқодли ишлаб чиқариш командирлари, ғоявий баркамол, омма билан ишлашнинг ленинча санъатини эгаллаган малакали кадрлар оз эмас. Бутун Ўзбекистонимиз бўйлаб номлари тилга тушган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Тошкент шаҳридаги уйсозлик комбинати бригада бошлиғи И. Орипов, Эллиққалъа районидаги «Қирқизобод» колхози раиси А. Олимов. Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригадири В. Маҳмудов, Комсомолобод районидаги Мирзаахмедов номли совхоз бригада бошлиғи А. Мирзакаримов ва бошқа кўплаб донгдор ташкилотчилар ана шулар жумласидандир. Улар шахсий ибратлари ва раҳбарлик маҳоратлари билан меҳнаткашларни юксак галабалар сари етакламоқдалар, коммунистик жамият қуриш ишининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Коммунистик партия ўз фаолиятининг ҳамма боскичларида кадрлар масаласи билан изчил ва астойдил шуғулланиб келмоқда. Доҳиймиз В. И. Ленининг сиёсат кишилар орқали олиб борилади, партиянинг бош йўналиши кадрлар фаолиятга боғлиқ, деб айтган сўзлари ҳамон ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Кадрлар — халқ ва партиянинг энг қимматбаҳо бойлигидир. Кекса кадрларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимидан тўла фойдаланиш билан бир қаторда, ёш, истиқболли ходимларни пастдан юқорига кўтариш, уларнинг камолоти тўғрисида ғамхўрлик партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу ўз навбатида партия сиёсий йўлининг, унинг революцион анъаналарининг давомийлигини таъминламоқда.

Ҳозир бизда кадрлар билан ишлашда янги практика қарор топмоқда. Одамларга бўлган ишонч ва ҳурмат уларга нисбатан принципиал талабчанлик билан уйғунлаштириб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчанлик, ўртоқлик вазиятларини тўлароқ намоён этиш имконини беряпти. Раҳбарликнинг коллегиаллигини топширилган иш учун шахсий жавобгарлик билан қўшиб олиб бориш — кадрларни ўстириш ва тарбиялашнинг, бутун ишимизни тўғри ташкил этишнинг муҳим шартидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбат чоғида сўзлаган ёркин нутқларида республикамизда малакали кадрларнинг бутун бир катта авлоди камол топганлигини алоҳида таъкидлади КПССнинг жанговар отряди ҳисобланган Ўзбекистон Коммунистик партияси кадрлар билан ишлаш борасида ленинча иш услубига оғишмай амал қилиб келмоқда. Юксак социалистик мажбуриятларни адо этишда ўз сафларига салкам олти юз минг коммунистни бирлаштирган республика партия ташкилотининг кадрлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганлиги катта роль ўйнаяпти. Кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйишда қатъият ва принципиаллик кўрсатилаётир. Масъулиятли лавозимларга тайинлашда ходимнинг партия ва халқ ишига садоқати, топшириладиган ишни олиб боришга қодирлиги алоҳида инобатга олинмоқда. Ўзбекистон партия ташкилотларида кадрлар билан ишлашнинг қарор топган яна муҳим хусусиятларидан бири шуки, бу соҳада республикамиз аҳолисининг кўпмиллатлилиги муайян даражада ўз ифодасини топмоқда.

Серқуёш диёримиз меҳнаткашлари, саноатимизнинг байроқдор коллективлари, донгдор пахтакорлар ва зиёлилари йил сайин республикамиз ютуқларини кўпайтириш ишига салмоқли улуш қўшмоқдалар. Бу кадрларнинг ишчанлик маҳорати меҳнат ютуқларини қўлга киритишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Ўтган йили республикамиз ўйган пахта хирмонининг 6 миллион тоннадан ошиб кетиши, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,1 процент ўсиши, пландан ташқари 230 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиниши бевосита кадрлар билан ишлаш савияси юқори эканлиги далолатидир.

Жонажон партиямиз доимо кадрларни қадрлаб, эъзозлайди. Уларнинг ишчанлиги ва ижодий имкониятларига ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлади. Зотан, улар билан мунтазам иш олиб бориш, амалий иш кўникмаси ҳосил қилишга кўмаклашиш, қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатиш, уларнинг ўқувини кенг йўлга қўйиш партиявий ишнинг энг муҳим жиҳатларидир.

Шу билан бирга республикамизда интеллектуал потенциалдан омилкорлик билан фойдаланилмаётганига ҳам эътиборни қаратиш керак. Жумладан, совхозлардаги ҳар ўн агрономнинг бири, техниклар, механиклар ва инженерларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи олий ва ўрта маълумотга эга эмас. Колхозларда ҳам тахминан ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Кадрлардан фойдаланишда маҳаллийчилик кўринишларига йўл қўйилмоқда. Баъзи областларда мутахассислар етишмагани ҳолда жойларда ана шу соҳа кишиларини эҳтиёж бўлса-бўлмаса ушлаб қолиш ҳоллари содир бўлаётир. Республикамизнинг партия ва совет органлари бу масалалар билан шуғулланишга эътиборни кучайтиришлари, бу борада юксак принципиаллик кўрсатишлари позим.

Эътироф этиш керакки, хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотлари етакчилари орасида хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиган, атрофидагиларга диққат билан муносабатда бўладиган, одамлар фикри, фойдали мулоҳазасини менсимайдиган кишилар гоҳ-гоҳ учраб қолмоқда. Термиз парранда чилик фабрикаси директори Суюн Тожиев раҳбарликка тайинлангач, унинг фаолиятида салбий ҳислатлар таркиб топа бошлади. У ишлаб чиқаришга етарлича жон куйдирмайдиган, мутахассислар талабчанлик кўрсатмайдиган бўлиб қолди. Одамларнинг фикрини инобатга олмайдиган одат чиқарди. Планлар бажаришмай қола бошлади. Оқибатда Суюн Тожиевнинг партия сафида қолиш-қолмаслиги масаласи кун тартибига қўйилди. Жиззах областидаги Октябрь район партия комитети кейинги йилларда қишлоқ хўжалик мутахассисларини тез-тез алмаштирадиган бўлиб қолди. Райондаги раҳбар ходимлар ўртасида хотин-қизлар деярли йўқ.

Маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари кадрларнинг сифат составини яхшилаш, уларнинг топширилган иш учун масъулиятини кескин ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Амалий ишда ўзини кўрсатган малакали мутахассислар, айниқса хотин-қиз кадрлар раҳбарлик лавозимларига кўтарилиши лозим. Ҳамма бўғиндаги кадрларга қўйиладиган талаб битта: хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликнинг ленинча услуби мустаҳкам қарор топиши, раҳбар ходимлар кайфиятида кибр-ҳавога ўрин қолдирилмаслиги, танқид ва ўз-ўзини танқид фаолиятнинг таркибий қисмига айланган бўлиши керак. Кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда андаккина бўлса-да адолатсизликка йўл қўйилмаслиги, мамлакатимизда яшовчи миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқлари ва ўзига хос эҳтиёжлари мутлақо камситилмаслиги лозим.

Ҳозирги раҳбар фақат ўз лаёқати, уддабуронлиги ва ташаббускорлиги билангина эмас, балки ҳар қандай ишга, ҳар қандай масалага умумхалқ, умумдавлат нуктаи назаридан партиявий ёндашуви билан ажралиб туриши лозим. У фақат ишлаб чиқариш ташкилотчиси бўлмай, балки айни замонда шу хўжалик, корхона ёки муассаса коллективининг тарбиячиси ҳамдир. Раҳбар ўзи бошчилик қилаётган коллективни ҳамиша олға етаклайдиган, сўзи билан иши бир, одамларни мардлик ва жасоратга сафарбар эта биладиган бўлиши керак. У коллективда ишчанлик ва ташаббускорлик муҳитини ярата билиши, одамларнинг ўзаро муносабатларида ҳайрихоҳлик, бир-бирига ёрдам, камчиликларга муросасизлик кайфиятини қарор топтириши айниқса муҳимдир. Партиянинг кадрлар сиёсати асосий мазмунини ана шулар ташкил этади.

Кадрлар меҳнат коллективларида юксак иш сурьатини таъминлаш учун зарур бўлган соғлом маънавий муҳитни вужудга келтиришда, ишда ташаббускорлик ва ижодкорлик руҳини қарор топтиришда марказий фигурадир Партия комитетлари кадрларнинг камолотини таъминлашлари, уларнинг ғоявий-назарий савияларини ошириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани эгаллашлари тўғрисида мунтазам ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Бу КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга тўла сафарбар этишнинг муҳим шартидир.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ПРАВДА» МУХБИРИ САВОЛИГА ЖАВОБИ

САВОЛ: АҚШ президенти Р. Рейган журналистлар билан қилган суҳбатларидан бирида Сиз билан Нью-Йоркда учрашиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани тилга олди. Унинг шу фикри турлича мулоҳазаларга сабаб бўлди.

Бу хусусда Сиз қандай фикрдасиз?

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, президентнинг сўзлари жуда дудмал таассурот қолдирди.

Ишнинг моҳиятига келганда, мен КПСС XXVI съездидаги докладимда Америка Қўшма Штатлари билан турли лавозимлардаги арбоблар ўртасидаги актив мулоқот фойдали эканини айтиб, бу соҳада энг юксак даражадаги учрашувлар ҳал қилувчи бўгин эканини алоҳида таъкидлаган эдим. Ҳозир ҳам биз мана шундай учрашувлар тарафдоримиз. Равшанки, Америка президенти билан менинг ўртамда бўладиган учрашувга яхши тайёргарлик кўрилиши лозим, бирон-бир халқаро анжуман муносабати билан йўл-йўлакай бўлмай, салмоқли учрашув бўлиши керак.

Равшанроқ қилиб айтганда, биз дунёдаги ишларнинг аҳволи учун давлатларимизнинг юксак масъулиятига мувофиқ келадиган ва ундан кўзланган умидларни оқлайдиган олий даражадаги Совет — Америка учрашуви ўтказилишининг тарафдоримиз.

Президент Р. Рейган билан ўтказиш мумкин бўлган учрашувнинг жойи ва вақти хусусида қуйидагиларни айтмоқчиман.

Учрашув бирон-бир холис мамлакатда, айтайлик, Финляндия ёки Швейцарияда ўтказилиши мумкин бўлур эди, аммо бунинг учун тегишли хукуматнинг олдиндан розилиги олиниши керак, албатта. Менинг назаримда, шу йилнинг кузи, масалан, октябрь ойи қулай фурсат бўлиши мумкин.

Бу саволга менинг жавобим шу. Назаримда, бу — жуда равшан ва аниқ жавобдир.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ўн биринчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан нишонлайлик!

Кўп миллатли улуғ Ватанимиз янада қудратли, бадавлат ва кўркам бўлаверсин!

Ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА 1982 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛИ ЯКУНЛАРИГА КЎРА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачилик соҳасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Қорақалпоғистон АССР;
Қашқадарё области;
Хоразм области;
Калинин райони.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сурхондарё области;
Ғиждувон райони;
Арнасой райони;
Боғот райони;
Нарпай райони;
Тўрткўл райони.

Байроқлар Самарқанд области, Сирдарё, Пешку, Ленин йўли, Галлаорол, Комсомолобод районларидан олиб берилади.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарнинг қуйидаги коллективлари 1982 йил биринчи квартали якунларига кўра, чорвачиликни ривожлантириш соҳасида республика социалистик мусобақасининг голиблари деб топилди:

Жиззах районидаги «Москва» колхози;
Киров районидаги «Москва» колхози;
Уйчи хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонаси;
Конимех районидаги «Шофиркон» совхози;
Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли совхоз;
Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз;
Ульянов районидаги 15-совхоз;
Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози;
Қувасой районидаги СССР 50 йиллиги номли паррандачилик фабрикаси;
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг Бухоро балиқчилик комбинати;
Задарё район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалиги.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА МУКОФОТЛАР

1982 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛИДА РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛИКЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЁРДАМЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЭНГ ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШГАНЛИКЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1982 йил биринчи квартал якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қарши ошхонаси трести ёрдамчи хўжалигининг коллективи (трест директори ўртоқ Ражабов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Бўриева, бирлашган касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Расулов.) Бу коллектив молларни 51 тонна семиртириб 35 тонна гўшт реализация қилган, шу ернинг ўзида урчитиб кўпайтириш ҳисобига чўчқаларнинг 2836 бошга етишини таъминлаган, 139 тонна озиқ-овқат чиқитини йиғиб молларни боқишда фойдаланган, рационда шундай чиқитлар салмоғи 56 процентни ташкил этади. Байроқ Наманган умумий овқатланиш трестидан олиб берилади

Андижон ёғ-мой комбинати ёрдамчи хўжалигининг коллективи (директори ўртоқ Мамарасулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алексеева, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Кузнецова). Бу коллектив 1,6 тонна гўшт, 22 тонна сут етиштириб реализация этишни таъминлаган, қорамоллар туёғини кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятларни 126 процент, сигирларни кўпайтириш юзасидан социалистик мажбуриятларни 110 процент адо этган. Байроқ М. И. Калинин номли Қўқон ёғ-мой комбинатининг ёрдамчи хўжалигидан олиб берилади.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Беруний районидаги Навоий номли колхознинг Қ. Бекмуродов бригадасида чигит экиш тугалланди. Механизаторлар ўз агрегатларига культиваторлар тиркашмоқда. Чигит униб чиқиши билан ғўза парвариши бошлаб юборилади. Суратда: колхоз бош агрономи К. Худойберганов ва бригада бошлиғи Қ. Бекмуродов ўртоқлар.

Р. Утамуродов фотоси.

САЙЛОВ ОЛДИДАН МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Республикада маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Яккабоғ пахта заводининг мастери Боймурот Норов, Китоб районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси Қўйсин Жумаева халқ депутатлари Қашқадарё область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Боёвут районидаги Пушкин номли совхознинг ёш сут соғувчиси Гулнора Мирзакулова, Ворошилов районидаги Свердлов номли колхознинг илғор механизатори Кўпайсин Неъматжонова Сирдарё область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилдилар.

Ғиждувондаги 33-автомобиль корхонаси коллективининг бўлиб ўтган йиғилиши СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобака пешкадами шофер Насим Каримовни, «Госкомсельхозтехника» Бухоро район бирлашмасининг коллективи эса илғор токарь Мустафо Шариповни Бухоро область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Жалолқудук районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор аъзоси Ўрмонжон Олимжонов, Андижон автомобиль трестига қарашли 2511-автоколоннанинг слесари Толиб Осгонов Андижон область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун тавсия этилди.

«Строймеханизация» трести механизация бошқармаси минорали кран машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори Надежда Васильевна Гончарова, Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш марказлаштирилган юк ташиш автомобиль трести 2515-автоколоннасининг қайдовчиси Юрий Николаевич Волков халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Андижон автомобиль трестига қарашли 2511-автоколоннанинг илғор ҳайдовчиси Владимир Александрович Прокудин Андижон шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилди.

Ўрта Чирчиқдаги бинокорлик конструкциялари комбинати энг яхши станокчиларидан бири Ўразгул Орипова Ўрта Чирчиқ район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Тошкент трактор заводи йиғувчилар комплекс бригадасининг бошлиғи, коммунистик меҳнат зарбдори, ёшларнинг мураббийси Василий Алексеевич Долженков Тошкент шаҳар Куйбишев район Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилди.

«Ленинизм» колхозининг илғор аъзоси Ҳафизахон Ҳасанова ва шу хўжаликнинг сут соғувчиси Каримахон Тиллаева Хўжаобод район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Яккабоғ районидаги Калинин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Усмон Кудратов ва СССР 50 йиллиги номли Карши тикувчилик фабрикасининг илғор ишчиси Ориза Насимова халқ депутатлари Қашқадарё область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Улуғбек номли Фарғона педагогика институтининг ректори, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Банноб Отакулов Фарғона область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилди.

«Резина-техника» заводининг илғор ишчиси Гулфия Саксонбоева Ангрен шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Карши педагогика институтининг студенти Салима Кўзиева халқ депутатлари Карши шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилди.

Ёшларнинг мураббийси, «Ташсельмаш» заводининг йиғувчи слесари Мамадали Ўразович Ҳайдаров Тошкент шаҳар Ҳамза дайон Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Андижон область, Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи Муҳаббатхон Олимова ва шу райондаги «Победа» колхозининг илғор аъзоси Гулчехра Акбарова «Ленинобод» қишлоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Сайловолди йиғилишларининг катнашчилари Совет ҳокимияти маҳаллий органлари депутатлигига муносиб номзодларни кўрсата туриб, ҳар бир иш жойида меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қатъий аҳд қилганликларини изҳор этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭКИШ БОШЛАНДИ

ТОШКЕНТ. Областнинг лубкор хўжаликлари канор экишга киришдилар. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда Эркин Каримов бригадасида канор экиш уюшқоқлик билан давом этмоқда. Бригада аъзолари юбилей йилида ҳар гектар ердан 220 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бу ўтган йилдагидан 5 центнер кўпдир.

Бу йил область колхоз ва совхозларида 18 минг гектардан кўпроқ майдонга канор экилади. Яшил бойлик ижодкорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ошнрилган мажбурият қабул қилдилар. Ватанга аввал қабул қилинган мажбуриятдагидан 5 минг тонна кўп канор топширишга қарор қилинди.

РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

«Қаҳрабо дон» етиштиришга ихтисослаштирилган Бухоро областидаги «Пешку» совхози деҳқонлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ёш маккажўхорикорларига йўллаган табригини зўр қувонч билан кутиб олишди. Асосан ёшлардан иборат бўлган совхознинг кўплаб бригадалари аввал қабул қилинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Улар фойдаланилмаган резерврларни қидириб топмоқдалар. Бундай резерврларни ишга солиш ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ «қаҳрабо дон» етиштиришга имкон беради.

Янги хўжаликда аралаш экинлар экишга алоҳида эътибор берилаётир. Куни кеча хўжаликда маккажўхори ва лавлаги экиш тугалланди. Бундай аралаш экиш деҳқонларга ердан ғоят самарали фойдаланишга имкон беради.

Бу йил совхоз маккажўхорикорлари 800 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Кўплаб илғор бригадаларда дастлаб экилган маккажўхори қийғос униб чиқа бошлади.

ВЕНГРИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

Венгриянинг философ олими Адам Вирт Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

Меҳмон Тошкент олий партия мактабида, корхоналар ва колхозларда сўзга чиқиб, пролетар интернационализми ғояларига содиқ бўлган Венгрия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари экономика ва маданиятни қандай ривожлантираётганликлари тўғрисида, социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлаш, Совет Иттифоқи билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишига қандай ҳисса қўшаётганликлари ҳақида сўзлаб берди. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг бадиий коллективи 19 апрель куни намойиш қилган «Қиёмат қарз» спектаклидан тушган ҳамма маблағни Тинчлик фондига топширди. Театр коллективи ўзининг дам олиш кунида томошабинларни кейинги йилларда саҳналаштирилган энг яхши постановкалардан бири — ўзбек драматурги У. Умарбекованинг «Қиёмат қарз» пьесасини кўришга таклиф этди.

Улуғ Ватан урушига бағишланган бу спектакль театр саҳнасида қарийб юз марта намойиш қилинди. Асарни режиссёр Рустам Ҳамидов саҳнага қўйди. Тинчлик фондига аталган спектаклда СССР халқ артисти Ш. Бурхонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари И. Болтаева, М. Орипов, Х. Хўжаева ва бошқа ёш санъаткорлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ!

БОЛАЛАР—БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Болалар — бизнинг келажагимиз. Улар ҳақида ғамхўрлик она-Ватан ҳақида, коммунистик истиқбол ҳақида ғамхўрлик демакдир. Шуннинг учун ҳам болаларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиши ва тарбия топиши энг муҳим ишларимиздан бири ҳисобланади. «Мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб-интернатларида ва болалар уйларида болаларнинг овқатланиши ҳамда уларга хизмат кўрсатиш яхшилансин»,—дейилади СССРнм иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йилликка ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида.

Бу соҳада республикада қандай ишлар амалга оширилмоқда! Бажарилаётган ишлар кўлами ва сифати бугунги кун талабларига жавоб берадими! Келгусида болаларнинг овқатланиши соҳасида қандай ишлар қилиниши лозим! Узбекистон касаба союзлари республика Совети ҳузуридаги оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи республика идораларо комиссияси ва «Совет Узбекистони» газетасининг «Давра суҳбати»да ана шу масалалар хусусида фикр юритилди.

«Давра суҳбати»да Узбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. МАҲМУДОВА қатнашди.

ҒАМХУРЛИКНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

Ж. ШАРИПОВА,
Узбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари

— Уннинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида конкрет комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида министрлигимиз қарамоғидаги мактабгача тарбия муассасалари тармоғи 2300 тага кўпайди, болалар контингенти 429 минг кишига ортди. Факат 1981 йилнинг ўзида 42910 ўринли ясли ва боғчалар ишга туширилди. Шу билан бирга мавжуд болалар муассасаларини реконструкциялаш, уларнинг шарт-шароитларини янада яхшилашга жиддий эътибор қилинаётир.

Ҳозирги пайтда республика бўйича 990 минг болани ўз ғарғига олган 7490 та боғча ва ясли ишлаб турибди. 3 миллион 353 мингга яқин ўғилқиз 2059 та мактабда таълим ва тарбия олмоқда. Уларнинг жисмоний ва маънавий камолотга эришишида асосий факторлардан бири овқатланишни рационал ташкил қилишдир. Кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилди, болалар ошхоналари учун мутахассислар тайёрлаш анча яхшиланди.

Болалар овқатланишини ташкил этиш масалаларига комплекс ёндашилиши, республика Маориф министрлигининг Савдо, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги министрликлари, «Узбекбирлашув» билан ҳамкорликда иш юритилаётганлиги болалар муассасаларини заҳрур ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этяпти. Самарқанд, Наманган, Тошкент, Фарғона областларидаги кўплаб шаҳарларда болалар боғчалари таъминоти марказлаштирилган тартибда йўлга қўйилди, қишлоқ болалар боғчалари хўжалик ва идораларнинг базавий муассасалари томонидан таъминланяпти.

Лекин мактабгача тарбия муассасаларида болалар овқатланишини тўғри ташкил этиш бўйича камчиликларга ҳам йириклаштириш ва реконструкциялаш тезкорлик билан олиб борилмаётганлиги, уларнинг ярмидан кўпи камқувват, асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланмаганлигининг оқибатидир. Самарқанд медицина институти ва Узбекистон педиатрия илмий-текшириш институти олимларининг ишларида бизнинг шароитимизда кенг фойдаланиш мумкинлиги илмий жиҳатдан исботлаб берилган «Малиш», «Малютка» сингари қуруқ сутли таомларга бўлган эҳтиёж ҳам тўла қондирилмаяпти.

Тўғри, бундай маҳсулотларни республикамизга келтириш йилдан-йилга ортиб, у йилига 5—6 минг тоннани ташкил этяпти. Шаҳарлар, район марказларидаги магазинларда 458 та болалар таомлари бўлимлари очилди. Фарғона, Қўқон, Урганч, Андижон, Денов шаҳарларида ихтисослаштирилган махсус магазинлар хизмат кўрсатяпти.

Болаларнинг овқатланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган шарбат, истеъмолбоп мева ҳамда сабзавотларни ишлаб чиқариш кейинги беш йилда етти баравар ортди. Бироқ, бу ҳам ҳали эҳтиёжни қондираётгани йўқ. Чунки уларнинг ҳажми республикада ишлаб чиқариладиган бутун консервалар умумий миқдорининг атиги беш процентга яқинини ташкил этади, холос.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг рационал овқатланишини ташкил этишга ҳам катта эътибор берилаётир. Республикадаги мактабгача тарбия муассасаларига 990 минг бола қатнайди. Уларни овқатлантириш масаласи соғлиқни муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан назорат қилиб бориляпти. Бу соҳадаги ишлар Фарғона области ва Тошкент шаҳрида яхши йўлга қўйилган.

Ҳозир кўплаб мактабларда ошхоналар ташкил этилди. Қишлоқ мактабларидаги буфетларнинг сони ҳам тобора ортиб бораяпти. Тошкентдаги 160 та мактабда бемор ўқувчиларни пархез таомлар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

КПСС XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш ҳақидаги кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш учун қурашаётган Узбекистон медицина ходимлари истиқболимиз эгаларининг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида бутун куч-қувватлари ва билимларини сарф қилаверадилар.

МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ, ТАВСИЯ

«Давра суҳбати» қатнашчилари муҳокама қилинаётган масала билан бевосита ва бавосита шуғулланадиган кишилар бўлгани учун баҳс-мунозара қизғин тус олди. Савол-жавобларнинг мазмуни бир асосий мақсадга — болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезда ҳал қилишга қаратилди.

— Умуман олганда, — деди **Узбекистон ССР Савдо министрлиги озиқ-овқат савдо бошқармаси бошлиғи М. Руденко.** — мактабгача тарбия муассасалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланяпти. Баъзи жойларда таъминотда узилишлар рўй бераётганлигининг сабаби тақсимот ишларини ташкил этишдаги номувофиқлик билан боғлиқдир. Масалан, қишлоқ магазинларида болалар учун сутдан тайёрланган маҳсулотлар сотилмай узоқ вақт туриб қолаётган бир пайтда шаҳар ва посёлкаларда шундай маҳсулотларни ҳамиша ҳам топиб бўлмайди. Чунки қишлоқ аҳолиси кўпинча ўз шахсий хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлардан фойдаланади. Шу сабабли ҳар қандай маҳсулот тақсим қилинаётганида ўша ердаги шарт-шароит ҳисобга олиб иш юритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

— Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигидан, — деди республика **мева-сабзавот хўжалиги министрининг ўринбосари Д. Олейниченко,** — бизнинг корхоналаримизда 0,35 литрли банкаларда болалар учун консервалар ишлаб чиқаришга рухсат этишларини сўрардик. Бундай ҳажмдаги консерваларнинг ишлаб чиқарилиши боғча-яслиларга юборишга учун жуда қулай бўлиши билан бир вақтда уларни турли хилдаги витаминларга бой консервалар билан таъминлаш даражасини янада яхшилайди.

* * *

Шунингдек, «Давра суҳбати»да Тошкентда болалар таомлари ишлаб чиқарувчи цехни бунёд этиш ишларини Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги чўзиб юборяётганлиги, республикамизнинг ҳеч бир шаҳрида болалар учун пархез таомлар тайёрловчи ошхоналар йўқлиги ҳақида ҳам танқидий фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамизда болалар овқатланишини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бунда министрлик ва муассасалар партия-хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда комплекс, изчил ва жонкуярлик билан иш юритаётганлиги катта роль ўйнамоқда. Эришилаётган муваффақиятларда оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи республика идораларо комиссиясининг ҳам ҳиссаси бор.

Сўзга чиққан ўртоқлар болалар овқатланишини ташкил этиш соҳасида республикамизда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириш билан бирга йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларга ҳам эътиборни қаратдилар. Билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида республика комиссияси Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш, Савдо, Гўшт ва сут саноати, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Узбекбирлашув» амалга ошириши зарур бўлган тавсиялар қабул қилди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

Мусобақа байроқдорлари

Фарғона область ремонт-қурилиш трести коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Ремонтчилар бу юксак мукофотдан руҳланиб, иш суръати ва сифатини янада оширмоқдалар. Касаба союз комитети трест бўлинмаларида СССР 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириш чораларини кўраётир. Меҳнат беллашувида Зелогил Форман бошлиқ бригада олдинда бормоқда. Улар область районларида йўлларни ва майдонларни сифатли асфальтлаб, топшириқни ҳамиша бир ярим баробар ошириб бажармоқдалар. Улар юбилей йили планини муддатидан уч ой илгари бажариш учун мусобақалашмоқда.

Бешинчи кўчма механизациялашган колонна меҳнат коллективлари ўртасидаги мусобақада Мақсуда Аҳмедянова бошлиқ комплекс бригада олдинда бораётир. Бригаданинг саккиз аъзоси бир неча касбни эгаллаб олган. Бригада пудрати жорий этилганлиги ойлик планни муттасил 130 процентдан ошириб бажариш имконини бермоқда.

Ремонт-қурилиш трести касаба союз комитети социалистик мусобақани авж олдиришда илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, ҳар бир меҳнатчида тоширилган ишга коммунистик муносабатни тарбиялаш йўлидан бормоқда. Ҳозир ўтгиздан кўпроқ коммунистик меҳнат мактабида машғулотлар олиб борилмоқда. Йўлсозлардан 650 киши уларда таълим олмоқда.

Машғулотларни малакали пропагандистлар олиб боришаётир. Касаба союз комитети ва группалари машғулотларнинг савиясини оширишга, уларда меҳнат коллективлари тўплаган тажрибалар кенг ўрганилишини йўлга кўйиш чораларини кўрмоқдалар. Айниқса, пропагандистлардан М. Пучкина, Е. Васильевлар олиб бораётган машғулотлар қизиқарли, мазмунли ўтаётир. Бу мактабларнинг ҳамма тингловчилари меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар, план топшириқларини муттасил ошириб бажармоқдалар. Чунончи, 50-бошланғич ремонт-қурилиш ишлари бошқармасининг О. Қодиров, Ф. Шмидт, С. Муродов ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан уч ой олдин бажаришди. Улар СССР 60 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб, ҳамов ана шундай юксак суръат билан меҳнат қилмоқдалар.

Л. РАЗУВАЕВА.

«Совет металлурглари! Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиринг! Тежамли металл маҳсулот сифатини оширинг! Ишлаб чиқаришни кенгайтиринг!».

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланган Бекобод металлургия заводи коллективи Майолди вахтасида ишлаб, катта ютуқларга эришмоқда. Кўплаб металлургларга юбилей йилининг иккинчи квартали ҳисобига иш бошлашди. Суратда: корхонанинг илғор пўлат қуювчилари— А. Болтаев, А. Аҳмедов ўрток лар. В. Сироткин фотоси.

Давр, одамлар, одимлар

ҚУТЛУҒ НИЯТ

«Ўн бешлар ташаббуси» амалда

«Совет Ўзбекистони» газетаси саволларига 1981 йил Бутуниттифоқ соцмусобақасида ғолиб чиққан «Ташметрострой» трестининг проходкачилар бригадаси бошлиғи Леонид Григорьевич ТОКАРЧУК жавоб беради:

1. Мажбуриятингизни қандай бажаряпсиз?

— Мен илгари конда ишлар эдим. Бир куни радиодан Совет Ўзбекистони пойтахти — Тошкент шаҳрида метрополитен қурилади, деган хабарни эшитиб қолдим. Қалбим ҳаяжонга тўлди. Ер ости йўли қурила бошлангач, метросозлар қабулини бажонидил қабул этдим ва Тошкентга келиб, комплекс бригадага бошчилик қила бошладим. Конда орттирган бой тажрибам ва касб маҳоратини юксалтириб боришга интилишим қўл келди. Коллективимиз тез орада илғорлар сафига чиқиб олди. Масалан, ўтган ўнинчи беш йилликда етти ярим йиллик планни бажардик. Шунда ҳаммамиз бир бўлиб, ўн биринчи беш йилликда камида ўн йиллик нормани адо этишга аҳд қилдик. Кейинчалик бир бошлаган ҳаракат «Ўн бешлар ташаббуси» номини олиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида маъқулланди.

Ҳозир ишларимиз ёмон эмас. В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени иккинчи навбатининг биринчи линиясини бунёд этишда қатнашмоқдамиз. 1980 йили бригадамизни «Алишер Навоий» бекатини қуришга ўтказишган эди. У «Пахтакор» станцияси атрофида бўлади. Янги бекат комплекси қурилишида ишлар асосан ўтган йили авж олдириб юборилди. Бу ерда икки ярим минг кубометр монолит бетон ётқизилди. Ишма темир-бетондан 700 кубометрдан зиёд конструкцияни ўрнатдик. Бу, йиллик пландагидан икки ярим марта кўп, демакдир Котлованни мустаҳкамлашда эса 232 тонна металл конструкцияларини ётқиздик. У — топшириқдагидан уч баравар ортиқдир. Жами 580 минг сўмликдан ошиқ қурилиш-монтаж ишларини ўрнилатдик. Хуллас, шу тарика ўтган йили 25 июнда бригадамиз аъзолари йиллик планни, 20 декабрда эса икки йиллик топшириқни ўрнига қўйганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Камтарона меҳнатларимиз юқори тақдирланиб келинмоқда. Шахсан ўзим «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, кейинроқ эса «Ҳурмат Белгиси» ва Ленин орденлари билан мукофотлэндим. Ўтган йили метрополитен қурилишидаги хизматларимни алоҳида тақдирлаб, менга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилди. Табиийки, бўларнинг ҳаммаси бизни янада ғайрат билан ишлашга руҳлантирмоқда.

2. Эришаётган ютуқларингизнинг сири нимада?

— Бу саволингизга ҳеч қандай сир йўқ, деб жавоб бергим келади. Ҳамма гап ишни омилкорлик билан ташкил этишда, деб ҳисоблайман. Меҳнатни ташкил қилишни тобора такомиллаштириб бориш, аралаш касбларни эгаллашга интилиш ва шунга эришиш — бригадамиз аъзоларининг жанговар шиоридир. Биз асосан ишда индустриал усулларни қўлланамиз.

Коллективимизда 28 нафар қурувчи бор. Уларнинг ҳаммаси тажрибали кишилардир. Звено бошлиқлари эса инженерлик маълумотига эга. Биз эришаётган муваффақиятларнинг яна бир омили — дўстлиқда, аҳиллиқдадир. Ўн миллат вакилларидан иборат бригадамиз аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар бир-бирларининг ғима демоқчилигини имо-ишоралардан ҳам билиб оладилар. Шунинг учун бўлса керак, коллективимизга «Коммунистик меҳнат бригадаси» номи берилган.

3. Корхонангиздаги иддошларингиз ҳақида ҳам сўзлаб бersangиз?

— Трестимиз ташкил топган дастлабки кунларданоқ унинг бўлинмаларида фидокор кишилар ишлаб келмоқда. Уларнинг куч-ғайрати, ташаббускорлиги туфайли метрополитенимизнинг биринчи навбати муддатидан анча олдин фойдаланишга топширилди. Биз унинг иккинчи навбатини 1984 йилда — Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги тантаналари арафасида қуриб битказиш мажбуриятини олганимизда, ана шу ғайрат-шижоатни ҳисобга олган эдик. Шубҳасиз, «Ўн бешлар ташаббуси» бу соҳада ҳам таъсирчан воситага айланади. Узоқда бормай, бригадамиз аъзоларини олайлик. Улардан Даврон Жабборов, Юрий Янкин, Вениамин Липаткин, Равиль Резенов, Марат Юнусов, Николай Барановлар беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиш ҳаракатига биринчилар қаторида қўшилишган. Уларнинг ҳар бири тўрт-бештадан турдош касбларни эгаллаб олишганки, бусиз зарбдор қурилишларда ҳозир олга силжиш қийин бўлиб қолди.

Албатта, бир беш йиллика икки беш йилликни бажариш ташаббуси қурувчилар орасида ҳам вужудга келганлиги бизни қувонтиради. Ҳар бир коллектив ўн йиллик нормани бажармасада, лекин орамизда қолоқлар бўлмай, ҳар бир корхонада, ҳар бир қурилишда топшириқлар ошириб адо этилса, мўлжалдагидан кўпроқ ишлар амалга оширилса, илғорлар қолоқларни ўз орқасидан эргаштирса, бизлар партия белгилаб берган улуғвор режаларни тезроқ ҳаётга татбиқ эта оламиз.

20 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Маҳаллий Советларга бўладиган сайловга кенг кўламда тайёргарлик кўрилмоқда. Бу муҳим сиёсий тадбир ҳар бир коллективда меҳнат нўтаринкилигини юзага келтирди. Олдиндан бу сафарги сайловларга ҳам ишчи ва хизматчилар ўзларининг муносиб меҳнат армуғонларини ҳозирлаш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар.

Республикамизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ишчилари ҳам зардбор сайловолди меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Бу ерда сайлов кампанясига тайёргарлик кўришда корхонанинг меҳнат илғорлари фаоллик кўрсатмоқдалар, бўш вақтларини жамоатчилик ишига сарфламоқдалар. Завод партия комитети барча сайловолди тадбирларни амалга оширишнинг ташкилотчиси ва раҳбари бўлмоқда.

Сайловолди йиғилишларида етти минг кишилик коллективнинг 120 га яқин илғор ишчи ва хизматчилари округ, участка сайлов комиссиялари составига сайланди.

Завод қошидаги агитпунктда ҳаёт қайнайди. Бу ер сайловга тайёргарлик штаба айланган. Корхонанинг 200 дан зиёд агитатори кундалик иш режаларини худди мана шу ерда белгилаб олмоқдалар. Ўзлари қилган ишлар хусусида ахборот бермоқдалар. Агитпункт ишига завод маҳаллий комитети раисининг ўринбосари Геннадий Петрович Харламов бошчилик қилмоқда.

Агитаторлар сайлов мавзундаги суҳбатларни кенг миқёсда уюштирмоқдалар. Корхонанинг цех ва участкаларида танаффус пайтларида Совет сайлов системасининг афзалликлари, ривожланган социализм Конституцияси, партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик манфаатларини кўзловчи ташқи сиёсати, экономикани ривожлантириш, шу асосда аҳолининг турмуш даровонлигини ошириш юзасидан партиянинг XXVI съезди белгилаган вазифалар қандай бажарилаётганлиги ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказмоқда. Агитаторлардан Олег Ивашченко, Аъзам Азимхўжаев, Анатолий Магидов ва бошқаларнинг суҳбатлари таъсирчан ва қизиқарли бўляпти.

— Ёш сайловчилар билан алоҳида иш олиб бориляпти. Биринчи марта овоз берувчи йигит-қизлар учун сайлов кунини эсда коларлик воқеа қилиб уюштиришга интилляпмиз, — дейди агитпункт мудири Г. Харламов. — «Ёш сайловчилар клуби» ташкил этилди. Клуб зарур адабиётлар ва бошқа ашёлар билан жиҳозланди. Илк бор овоз берувчилар таклиф этиляпти, улар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Лекцилар ўтказиш мўлжалланяпти.

Ҳа, «Ташсельмаш» заводи ҳузуридаги агитпунктда маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга тайёргарлик қизғин. Бу ерда сайлов кампаниясининг навбатдаги муҳим босқичи — депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар ҳам уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Корхона коллективи маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар кунини муносиб меҳнат армуғони билан кутиб олади.

О. УМРҚУЛОВ.

ОЧИҚ ХАТЛАР КУНИ

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Совети ижроия комитети Улуғ Ватан уруши ветеранларини очиқ хатлар кунига таклиф этди. Шаҳар ижроия комитети раиси Р. Султонов СССР 60 йиллигига ҳозирлик кўриш борасида ветеранлар олиб бораётган ишлар, вазифалар ҳақида гапирди. Улуғ Ватан уруши ветеранларининг хатлари, таклабари ва таклифлари қараб чиқилди. Уларнинг саволларига шаҳар социал-таъминот, соғлиқни сақлаш бўлимлари, тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари жавоб беришди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН ҲАФТАЛИК

СССР 60

ГЕНИАЛ НАЗАРИЁТЧИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг доҳийси В. И. Ленин айни вақтда гениал назариётчи ҳамдир. У ўзининг назарий ва амалий фаолиятига абадий барҳаёт марксизм руҳини чуқур сингдирган ҳолда илмий коммунизм асосчилари таълимотига ижодий ёндашиб, уни ҳар томонлама ривожлантирди ва бойитди.

Владимир Ильичнинг дастлабки асарларидан бири бўлмиш «Деҳқонлар турмушида янги хўжалик ҳаракатлари» 23 ёшида ёзилган. Шундан кейинги ўттиз йил мобайнида доҳийимиз юзлаб китоблар ва брошюралар, минглаб мақолалар ва бошқа материаллар ёзган. Самарадаги революцион фаолияти даврида эса машҳур «Коммунистик партия манифести»ни таржима қилган. Афсуски, бу таржима сакланиб қолмаган.

Тўла асарлар тўпламининг 55 томидан иборат В. И. Ленин меросида тўққиз минг асар ва ҳужжатлар бор. Дунёда Владимир Ильичнинг асарларидек кенг тарқалган, мазмунан бой, миқдор жиҳатдан кўп асар муаллифни топиш қийин. Бу асарлар жаҳондаги 130 тилга таржима қилинган. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, В. И. Ленин асарлари таржимасининг сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турали. Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари билан айтганда, В. И. Ленин асарлари миллион-миллион нусхада чоп этилган бўлиб, барча мамлакатлар, барча қитъалардаги халқлар бу асарларни зўр қизиқиш билан ўқимоқдалар, яшаш ва курашни шу асарлардан ўрганмоқдалар.

В. И. Ленин марксизмнинг уч таркибий қисми — философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмни янги тарихий шароитда ривожлантирди ва бойитди. Жумладан, революцион назарияни янада ривожлантиришда Владимир Ильичнинг марксистик философияга қўшган ҳиссаси беқиёс катта бўлди. Бу асарларда энг янги тадқиёт-илмий нашриётлар фалсафий жиҳатдан умумлаштирилди.

Марксистик философияга тааллуқли бошқа асарлар сингари «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби ҳам философия, табиётшунослик, умуман илм-фан масалаларини таҳлил қилишга партиявий, қатъий илмий ёндашишнинг, марксистик философияни — материалистик назария ва диалектик методни ижодий ривожлантиришнинг ажойиб намунасидир.

Владимир Ильичнинг назарий фаолиятида китоб устида ишлаш маҳорати ҳаммани қойил қолдирган. У китобни ўқир экан, ўзига зарур материални тезда топиб олар, назария, партия ва давлат ишлари билан банд бўлган чоғларида бу китобдан моҳирона фойдаланарди. Бадиий манбалар устида ишлаш ленинча лабораторияси шу жиҳатларга кўра жуда бой ва ибратлидир.

Асарларни ўқишнинг ленинча системаси ҳам катта қизиқиш туғдиради. У асар муаллифининг асосий фикрини дарҳол илғаб олар, унга холис ва танқидий баҳо берарди. Машҳур революционер, атоқли партия ва давлат арбоби Г. М. Кржижановскийнинг ёзишича, Владимир Ильич шундоққина кўз ўнгингида катта бир қалин китобни варақлаётгандаёқ шундай цитаталар топиб олардики, унга қараб асар муаллифининг аслида кимлигини дарҳол билиб олиш мумкин бўларди.

В. И. Ленин ёзмоқчи бўлган масаласига оид адабиётларни пухта ўрганар, келиб чиқиши мумкин бўлган саволларга жавобларнинг конспектларини тайёрлаб кўярди. Владимир Ильич Маркс ва Энгельс асарларига доим мурожаат қилиб турар, уларнинг асарларини кенг тарқатишга катта аҳамият берарди. 1913 йилда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тўрт томлик «ёзишмалари» чет элда немис тилида босилиб чиқди. Ленин шу томлар устида дарҳол иш бошлаб, орадан кўп вақт ўтмай, бу «ёзишмалар» ҳақида катта мақолалар ёзишга киришди.

Владимир Ильич 300 га яқин хатни конспект қилиб чиқиб, улардан кўп жойларини алоҳида дафтарга ёзиб олган ҳамда бу конспектга қисқача тематик кўрсаткич тузган. Ильич илмий ва амалий фаолиятида ана шу кўрсаткичдан кўп маротаба фойдаланди. Буни «Карл Маркс», «Империализм—капитализмнинг юқори босқичи», «Коммунизмда болаларча «ўллиқ» касали» ва бошқа асарларида кўриш мумкин. «К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ёзишмалари» конспекти эса яхлит том шаклида биринчи марта 1959 йилда босилиб чиқди.

Империализм ҳақидаги назарияни ишлаб чиқишда революция доҳийсининг хизматлари айниқса каттадир. Ўз мазмунига кўра К. Маркс «Капитал» асарининг ривожлантирилиши ва тўғридан-тўғри давоми бўлган «Империализм—капитализмнинг юқори босқичи» деган классик асарида Владимир Ильич империализмни чуқур таҳлил қилиб, уни монополистик, паразит ва ўлиб бораётган капитализм деб характерлади. Бу асарни ёзиш учун рус, немис, француз ва инглиз тилларида ёзилган 148 та китоб ва 232 та мақолани ўқиб чиқиш, улардан айрим жойларини ёзиб олиш зарур бўлди.

Н. К. Крупская ўз хотираларида бундай деб ёзади: **«Владимир Ильич Маркс ва Энгельса доир нимани ки зар бўлса ҳаммасини топишга ҳаракат қиларди».** Ульяновлар оиласи Симбирскда яшаган чоғларидаёқ, В. И. Ленининг акаси революционер Александр Ульянов «Капитал»нинг биринчи томини келтирган эди. Қизиқиш доираси ниҳоятда кенг бўлган Александрнинг хонасида Маркс, Добролюбов, Белинский, Менделеев, Дарвин, Гексли, Спенсернинг ҳам кўпгина асарлари бор эди. Владимир Ильичнинг китобга бўлган қизиқиши, китоб устида ишлаш, улардан илмий ва амалий хулосалар чиқариш маҳоратида шубҳасиз акаси Александрнинг ҳиссаси каттадир.

В. И. Ленининг шахсий кутубхонасида Маркс ва Энгельснинг рус ва чет тилларида чиққан қариб икки юзга яқин китоблари бор. Улар ёшида Маркс ва Энгельс ҳақидаги китоблар, П. Лафарг, Ф. Меринг, В. Либкнехт, Г. Плеханов ва бошқа марксчиларнинг асарлари ҳам муносиб ўрин олган.

Владимир Ильич китоб ўқир экан, асар муаллифининг ақлли фикр-мулоҳазаларидан хурсанд бўлиб кетар, ҳақиқатдан йироқ бўлган гаплар билан тўла, сохта рақам ва фактлар келтирилган ва бунинг оқибатида суюқ хулосалар чиқарилган асарларни ўқиганда эса хуноб бўлиб кетарди. Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг айтишича, **Ленин ҳозирги вақтни келажак чўққисидан туриб кўра биларлиқдек ноёб қобилият соҳиби бўлган. Тарих уни сиёсий ҳаёт майдонига олиб чиққанида ижтимоий тараққиёт кўпгина мураккаб вазифаларни келтириб чиқарган эди. Ер юзидаги миллион-миллион кишиларнинг тақдирида ҳал қилиш шу вазифаларни ҳал қилишга боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Ленин ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг интилишлари, орзу-умидларининг ифодачисидир.**

Владимир Ильичнинг назариётчи олим сифатидаги ажойиб фазилатларидан бири яна шунда эдики, у дўстлари муваффақиятидан астойдил севинар, уни ўз ютуғи ҳам деб биларди. Журналист И. И. Скворцов-Степанов «Жаҳон хўжалигининг бурилиш босқичи муносабати билан РСФСРни электрлаштириш» деган китоб ёзиб, унинг қўлёзмасини Ленинга юборган. Владимир Ильич китобни ўқиб чиқиб, муаллифга: «Жуда хурсандман. Мана буни зўр иш деса бўлади!» деб ёзиб юборган ва бу асарга бажонидил кириш сўзи ёзиб беришга рози бўлган.

Улуғ доҳийнинг Кремлдаги кабинети ва яшайдиган уйининг бутун жиҳози ки-

ИПАК ПАХТА УСТАЛАРИ

МИРИШКОРЛАР

Бу қишлоқнинг номини Минор деб аташади. Бу бежиз эмас. Қишлоқнинг нақ ўртасида машҳур Жарқўрғон минораси қад кўтариб турибди. Бу осори атиқа салкам минг йилча муқаддам бино этилган.

Минорликлар қимматбаҳо ипак пахта усталаридир. «Коммунизм» колхози эса областдаги ипак пахта етиштирадиган энг йирик хўжаликлардан бири. «Коммунизм» колхози — сертармоқ хўжалик, ҳам дон экилади, ҳам чорвачиликдан катта даромад келади. Ленин хўжаликнинг довруғини таратган — ингичка толали пахтадир. Хўжалик пахтакорлари бултур ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» олишган эди. Маълумки, ипак пахта хийла инжиқ — парвариши ҳам, йиғиб-териб олиниши ҳам қийин. 40 центнерлик ҳосил кўтаришнинг ўзи бўлмайди, ахир! Хўжалик далаларида Сурхондарё пахтачилик тажриба станциясида етиштирилган «Т-7» ва қардош Туркманистондан келтирилган «АШ-25» навлари яхши ҳосил бермоқда. Айниқса, бу навлар билан яхши «тиллашган» Норқобул Тожиев, Ашур Амиров, Пўлат Баҳромов сингари тажрибали бригадирлар далаларида 53-55 центнердан ошириб ингичка толали «оқ олтин» етиштиришмоқда.

— Пахтанинг ўзидан 6 миллион сўмдан ошиқ даромад қилдик, — дейди колхоз раиси Бахтиёр Абдуллаев. — Умумий даромадимиз 9 миллион сўмни ташкил этди. Колхозчиларимиз яхши даромад қилишди.

... Бахтиёр Абдуллаев асли шу қишлоқдан. У шу ерда униб-ўсди. Касби — инженер-механик. Ташаббускор ранс, мана, беш йилдирки, хўжаликка раҳбарлик қилиб келмоқда. Колхоз экономикасини пухта билиши, ишлаб чиқаришнинг сир-асрорларини тўкис эгаллаганлиги яхши самаралар бермоқда. Албатта, «Коммунизм» колхозидек сертармоқ, йирик хўжаликни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Бундай дейишимизнинг сабаби бор. Мана, бултурги баҳор қийинчиликларини олиб кўрайлик. Ғўзаларни яганалаш жуда кечикиб кетди. Тўғри, мактаб ўқувчилари ота-оналарига ёрдамга шошилишди. Шунда ранс ҳар бир бригадада бўлиб, пайкаллари колхоз аъзоларига, тўғрироғи, хонадонларга бўлиб чиқди. Ўз улушини эса ўзи ягана қилди. Натижада ёшу кексалар бирдай фидойилик кўрсатди. Ягана кўнгилдагидек ўз вақтида сифатли ўтказилди. Ҳа, раҳбарнинг шахсий ташаббусида ҳикмат кўп.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Мамат Хўжамбердиев ҳам колхоз коммунистларини ишлаб чиқаришга сафарбар этишда фаоллик кўрсатмоқда. Хўжаликда янги галлачилик бригадалари ташкил этиляпти. «Коммунизм»ликлар пахта ҳосилдорлигини ошириш билан бирга галладан ҳам мўлкўл ҳосил етиштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Хўжаликда, айниқса, чорвачиликка катта эътибор берилмоқда. Ҳозир қорамоллар сони 2200 га, қўйэчкилар эса 14 минг бошга етказилди.

Хўжалик пахтакорлари бу йил ингичка толали пахтадан янада мўлроқ ҳосил олишни — ҳар гектар ердан 40 центнердан ошиқ «оқ олтин» етиштиришни кўзлашяпти. Улар Сурхон дарёсининг сохилидаги Оқтепа массивини тўлиқ ўзлаштиришни, асрлар мобайнида қақраб ётган чўлу биёбонларда боғ-роғлар, пахтазорлар барпо этишни кўзлаб тер тўкишмоқда. Бу ерда йирик Оқтепа сув омбори бино этиляпти. Сув омборига 1 миллиард кубометр оби ҳаёт йиғилади. Ҳозир бу улкан омборга сув йиғиш бошланган; унинг атрофида боғ-роғлар, узумзорлар барпо этилмоқда.

— Оқтепа сув омборининг юзага келиши партия ва ҳукуматимизнинг бизга кўрсатган чексиз ғамхўрлиги самарасидир, — дейди Жарқўрғон район партия комитетининг секретари Салтанат Зуннунова, — бу сув омборининг шарофати билан районимиз янада обод бўлади, пахтазорларимиз кенгаяди, боғ-роғларимиз кўпаяди. Энг муҳими, мамлакатимизга қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахтани янада кўпроқ етказиб берамиз!

Ҳақиқатан ҳам Жарқўрғон райони ипак пахтанинг макони бўлиб қолди. Райондаги «Сурхон», «Шарқ юлдузи», «Жарқўрғон» совхозлари, «Коммунизм», «Социализм», «Партия XXII съезди» ҳамда Н. Бойжуродов номли колхозларда ингичка толали пахтадан мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда. Бултур район давлатга 44 минг 200 тонна ингичка толали пахта топширди, яъни ҳар гектар ердан ўртача 32,9 центнердан «оқ олтин» олинди. Бу йил эса жарқўрғонликлар она-Ватанга 50 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта етиштириб беришга, ҳосилдорликни 42 центнерга етказишга азму қарор қилишган. Ана шу ваъданинг устидан чиқиш учун чигит экишга киришган жарқўрғонликлар шу кунларда қизғин меҳнат қилишмоқда.

Яқинда жарқўрғонлик пахтакорларнинг илҳомига илҳом қўшган икки хушхабар келди: Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг илғори сифатида Жарқўрғон райони КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. 1981 йилда пахта ва бошқа қинлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган планларни ҳамда олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак натижаларга эришган ва меҳнат жасорати кўрсатган республикамиз қишлоқ хўжалиги илғорлари қаторида район партия комитетининг биринчи секретари Эшниёз Рустамов Ватаннинг юксак мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Зарбдор меҳнатга — олий мукофот! Бу мукофотлар меҳнатсевар жарқўрғонликларни янгидан-янги меҳнат зафарларига тўлқинлантирди, бир кучларига ўн куч қўшди. Улар партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрликлари учун янада самаралироқ меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар, ғайратларига ғайрат қўшиб ишлашмоқдалар.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари юбилей йилида ҳосилдорликни 53 центнерга етказиш мажбуриятини олишган. Колхоз далаларида чигит экиш уюшқоқлик билан давом эттирилаётир. Илғор механизаторлар кунлик топшириқни ошириб адо этмоқдалар. Суратда: тажрибали пахтакор Аминбой Ҳусанов [ўнгда] ўғли, илғор бригада бошлиғи Мўминбой Аминбоев билан уруғлик чигитнинг сифатини кўздан кечиришяпти.

Қ. Отаев фотоси. [ЎзТАГ].

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИ

Қўйлар кўпайтирилмоқда

Ғиждувон районидаги «Кўкча» совхозининг бош чўпони Файзи Сайфуллаев ўзининг бу йилги социалистик мажбуриятини адо этди. Унинг отарида қўзилатиш кампанияси ниҳоясига етди. Ҳар юз бош совлиқдан 200 тадан — ўтган йилдагидан 18 та қўзи кўп олинди.

Тажрибали қоракўлчи отарни икки баравар кўпайтириш мақсадида қўзиларнинг ярмини боқувга қолдирди. У қўйларни яхшилаб парвариш қилиб, уларга витаминли озуқа, омихта ем, илиқ сув беради.

Яйловлар чашмадан сув ичмоқда

Нурота тоғ тизмаси этакларида жойлашган катта яйловга сув чиқарилди. Бу ерга 39 километрли пўлат қувурдан сув келтирилди. Сув Самарқанд областидаги «Ғозғон» қоракўлчилик совхозининг 16 минг гектар экин майдонини суғорди.

Бу ерларга ўн минг бош қўй-қўзи ҳайдаб келтирила бошланди. Магистрал бўйлаб 13 та суғориш пункти барпо этилди, асфальтланган майдончалар қурилди, катта темирбетон охурлар ўрнатилди. Энди чўпон қувурга ўрнатилган мурватни кўтариши билан қ дарҳол идишлар муздек сувга тўлади.

Ўрмончилар — чорвадор

Ўрмончиларнинг ёш хўжалиги бўлган Фарғона қўёнчилик комплекси ўз қувватларини оширмоқда. Бу ерда жониворлар учун учта металл уя қуриш ниҳоясига етказилди. Озуқани майдалаш ва уларни тарқатиш, цехларни тозалаш каби сермеҳнат жараёнларни механизмлар бажармоқда. Хоналарда сунъий иқлимни вужудга келтирувчи кондиционерлар ўрнатилган. Иситиш системаси ишлаб турибди.

Ҳозирги вақтда Бахмал ўрмон хўжалигида йирик қўёнчилик фермаси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Ферма бу йил фойдаланишга топширилади. Ўрмончилар ўн биринчи беш йилликда бешта қўёнчилик комплексига эга бўладилар.

Икки баравар кўп

Бувайда районидаги «Октябрь» колхозининг чорвадорлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўп сут соғиб олмоқдалар. Колхоз фермасида жониворларни парвариш қилиш илғор технологиясининг жорий этилганлиги эвазига ана шу муваффақиятга эришилди. Махсус молхона қурилган бўлиб, бу ерда ҳар бош сигирга ўн квадрат метр жой тўғри келади.

Фермадаги барча сермеҳнат жараёнлар автоматлаштирилган. Колхоз рационализаторлари озуқани қайта ишлаш, молхонани тозалаш, қипиқ солиш ишларини енгиллаштирувчи махсус мосламаларни жорий этдилар.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ҲАМДЎСТЛИК САМАРАСИ

ИНТЕГРАЦИЯ КУЧИ

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ, ЁҚИЛҒИ ВА ХОМ АШЁ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ

Ҳозирги замон экономикасининг тараққиёти уни энергия билан таъминлаш проблемасини энг муҳим халқ хўжалик вазифалари қаторига қўйди. Экспертларнинг тахминларига кўра, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига кирувчи мамлакатларда энергия истеъмоли 1990 йилдаёқ икки ярим баравардан зиёд ортади.

Иккинчи томондан олганда, ёқилғи ва хом ашё қазиб чиқариш ва унинг ҳаражатлари тез ортиб бормоқда. Бу маҳсулотларни социалистик мамлакатларга асосан Совет Иттифоқи етказиб бермоқда. Янги конларнинг кўплари ноқулай кон геологик шароитларда ўзлаштирилмоқда. Масалан, ўтган беш йилликда СССРда бир тонна нефти қазиб чиқариш ҳаражатлари 1972 йилгача бўлган даврга нисбатан икки баравардан ошганлиги тасодифий эмасдир. Бу ҳаражатлар шу беш йилликда ҳам ортмоқда.

Шунинг учун ҳам қардош давлатларнинг шу соҳадаги куч-қувватларини бирлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу иш узоқ муддатли ҳамкорлик тармоқ программаси асосида ривожланмоқда. У моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларини ўз ичига олувчи бешта программадан иборидир.

Қўшма планли фаолиятнинг бундай шакли узоқ келажакка мўлжалланган ҳамкорлик келишиб олинган стратегиясини белгилайди. У умумий ишлаб чиқариш имкониятларидан коллектив бўлиб фойдаланишни, ихтисослаш ва кооперациялашни чуқурлаштиришни кўзда тутади. Тармоқ программалар мамлакатларнинг энергия, ёқилғи, хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари, технологияга бўлган иқтисодий асосланган эҳтиёжларини биргалашиб таъминлашга қаратилган, бошқача қилиб айтганда, улар узоқ муддатли иқтисодий тараққиёт учун мустаҳкам база яратишга бўйсундирилган.

Узоқ муддатли тармоқ программасини амалга оширишдаги энг муҳим босқичлардан бири — шулар асосида бош битимларни, бошқа шартномаларни тузишдан иборатдир. 1981 — 1990 йилларгача бўлган даврда атом электр станциялари учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш ва уларни бирбирларига юборишни кўп томонлама халқаро ихтисослаш ва кооперациялаш тўғрисида тузилган битимни шуларнинг энг катталари қаторига киритиш лозим.

Хўш унинг аҳамияти нимада? Аввало атом энергетикасининг жадал ривожланиши Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатларнинг электр энергиясига нисбатан тез ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш вазифасига мос бўлиб тушади. У программа ёқилғи-энергия қисмининг энг муҳим йўналишидир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Европа мамлакатларида жами қуввати 37 миллион киловатт чамаси бўладиган атом электр станцияларини қуриш мўлжалланади. Бинобарин, ҳар йили 70—75 миллион тонна шартли ёқилғини тежаб қолиш мумкин бўлади. Тақ-қослаш учун бундай тежам «Союз»га ўхшаш тўртта газ қувури ишга туширилганлиги билан баравар келишини айтиб ўтиш мумкин.

Келажакдаги ишлар қиёфаси равшанлашиб бормоқда. Мамлакатимизнинг территориясида 4 миллион киловатт қувватли Хмельницкий атом электр станцияси қурилмоқда. Уни Венгрия, Польша, Чехословакия ва Совет Иттифоқи биргалашиб қурмоқда. Станция лойиҳадаги қувватига чиққач, энергиясининг ярми ВХР, ПХР ва ЧССРга берилиб турилади. Қайси мамлакатга қанча энергия бериш шу мамлакатнинг қурилишда қанчалик қатнашаётганлиги билан белгиланади. Ҳамкорлигимизнинг принципларидан бири ҳам мана шу.

Станция, электр линиялари қурилиши машина-ускуналар ва аппаратлар ишлаб чиқаришда катта қўламда кооперациялаш амалга оширишни тақозо этди. АЭС ҳар бир минг мегаваттли сув реакторлари билан жиҳозланади. Энергоблоклар яккаш қувватининг бунчалик катта бўлиши анча иқтисодий самара келтиради. Шундай қувватли блокларни қўллаш қурилишда капитал харажатларни камайтирадиган бевосита йўлдир.

Хмельницкий АЭС — тармоқ программада қуриш кўзда тутилган 25 та катта саноат объектларидан бири бўлиб, шу объектларнинг 13 таси СССР территориясида жойлашади. Узоқ муддатли тармоқ программаси бир қанча гидроаккумуляция электр станциялари қурилишини ҳам ўз ичига олади. Шу ҳисобдан Болгарияда дастлабки «Лакатник» электр станцияси ва Венгрияда «Предика лосек» электр станцияси қурилади. Бундай станциялар бирлашган энергосистемалар составида авария станциялари ва нагрузка бўшатувчи резерв сифатида хизмат қилганлиги жиҳатидан ҳам самара келтиради.

Қаттиқ ёқилғи қазиб чиқаришни, шу жумладан паст калорияли қоратош кўмир, лигнит, сланец қазиб чиқаришни кўпайтириш ва яхшилаш муҳим энергия резервидир. Бу проблемани янада сермаҳсул ҳал этиш учун электр станциялар каттакатта автоматлашган энергоблоклар билан жиҳозланади. Уларнинг қуввати 300—500 мегаваттга етади.

Маълумки, шу беш йилликда қардош социалистик мамлакатлар интенсив хўжалик юритиш методларига зўр бермоқда. Бу борада фойдаланилмаётган резервлар оз эмас. Нефти қайта ишлаш соҳасини мисол тариқасида келтирайлик. Уни қайта ишлаш даражаси ёки мутахассислар тили билан айтганда, қайта ишлаш теранлиги ҳозир Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатларнинг кўпчилигида тахминан 45—50 процент билан белгиланмоқда. Бинобарин, қимматли химиявий хом ашёнинг ярмидан кўпи қорамой ҳолида энергетика ёқилғиси сифатида ишлатилмоқда. Мутахассислар эса қайта ишлаш теранлигини бемалол 65—70 процентгача етказиш мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Бунинг натижасида эса йилига миллион-миллион тонна ёнилғи ва сурков мойлари олинади.

Мана шунинг учун ҳам 1990 йилгача Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида прогрессив комплект машина-ускуна турларини тайёрлаш мўлжалланади ва шуларнинг ёрдами билан йилига қарийб 190 миллион тонна нефти қайта ишлаш мумкин бўлади. Ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялаш асосида ҳам шундай вазифа ҳал этилмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларидаги янги қурилишлар карталарида бу мамлакатларнинг темирли хом ашё ва металлга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш вазифасини ҳал этиши лозим бўлган объектлар тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, СССРда иккита кончилик саралаш комбинати ва битта руда кони қурилмоқда: бу корхоналар ҳар йили металлга айлантириб ҳисоблаганда, 17 миллион тонна хом ашё тайёрлаб чиқаришга имкон беради. Кубада рангли металлургияни ривожлантириш катта бир программаси бажарилмоқда. Бу программа тўла амалга оширилгач, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатларнинг келажакда никелга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилиши кутилмоқда. СССР территориясида ихтисослашган икки корхонавзод ва комбинат қуришдан манфаатдор давлатларнинг ҳамкорлиги сульфатли оқиш целлюлоза ва газета қоғози ишлаб чиқаришни йилига юз минглаб тонна кўпайтиришга имкон беради.

КПСС XXVI съездида уқтириб ўтилганидек, «интеграция кучга тўлишиб бормоқда». Энергия, ёқилғи ва хом ашё соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик тармоқ программасининг амалга оширилиши бунинг конкрет ифодаларидан биридир.

В. ПЕТРУНЯ,
(ТАСС шарҳловчиси).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ КОБУЛ. Афғонистонда Апрель революциясининг 4 йиллигига бағишланган Афғон — Совет дўстлиги ҳафталиги бошланди. Кобулдаги барча саноат корхоналарида кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтмоқда. Бу митингларда афғон меҳнаткашлари қардош совет халқи билан дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни ёқлаб гапирдилар. Афғонистонга берилаётган интернационал ёрдам учун миннатдорчилик билдирмоқдалар.

✦ РИМ. Италияда Сицилиядаги Комизо деган жойда АҚШнинг Ғарбий Европада энг катта ядро базаси қурилиши тўхтатилишини талаб қилувчи баёнотга имзо тўплаш муваффақиятли давом этмоқда. Сицилиянинг маъмурий маркази — Палермода ҳужжатга икки кун мобайнида 10 минг киши имзо чекди. Булар орасида касаба союз ва сиёсий арбоблар, фан ва маданият вакиллари, маҳаллий саноат корхоналарининг ишчилари бор.

Кампания Сицилияда тузилган тинчлик ва қуроссизланиш учун бирлашган комитетнинг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

✦ САН-ФРАНЦИСКО. АҚШнинг Невада штати полигонида ядро қуролини навбатдаги синови ўтказилди. Бу — Невада полигонида бу йил ядро қуролларининг тўртинчи марта синалишидир.

✦ ТРИПОЛИ. Бу ерда Африка мамлакатлари экспертлари ҳукуматлараро комитетни иш бошлади.

Учрашув қатнашчилари — қитъадаги 20 мамлакат вакиллари иқтисодий аҳвол масалаларини, шунингдек Африка давлатларини ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқадилар.

(ТАСС, 19 апрель).

тоблардан иборат. Кабинетда ҳам, қўшни хонада ҳам, яшайдиган уйда ҳам китоб. Унинг шахсий кутубхонасида дунё халқларининг ўн тўққиз тилида чиққан 10 минг томга яқин китоб бор. Чоризм томонидан ҳар доим таъқиб қилинган, кўпдан-кўп шаҳарларга, мамлакатларга кўчиб юриш шароитида ана шундай кутубхонани тўплаш ҳақиқатан ҳам машаққатли иш. Улуғ Октябрь ғалабасидан кейингина Владимир Ильич бу китобларнинг ҳаммасини бир жойга тўплаш имконига эга бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, Владимир Ильич бу кутубхонани партиянинг мулки деб билган.

Маълумки, 1918 йилнинг март ойида Совет ҳукумати Петроградданми Москвага кўчди. Ҳукумат Кремлнинг олтин хонасига жойлашди. Владимир Ильич ўз китобларини иш кабинетига терди. Бу кутубхонада 500 га яқин совға қилинган китоблар алоҳида ўрин эгаллади. Китоб муаллифларининг дастхатлари Владимир Ильичга чексиз меҳр-муҳаббат билан тўлиб тошган. Атоқли француз ёзувчиси, коммунист Анри Барбюс бундай деб дастхат ёзган эди: **Ёзилмаган буюк қонунларни биринчи бўлиб ёзган Ленинга қизғин ҳурмат билан».** Буюк рус олими К. А. Тимирязевнинг қўли билан бундай деб ёзилган: **«Замондош бўлишни ва ажойиб фаолиятининг гувоҳи бўлишни ўзи учун шараф деб билувчи К. Тимирязевдан кўп ҳурматли Владимир Ильичга».**

В. И. Ленин илмий иш устида ҳам, партия ва давлат ишларида ҳам ўзини аямасди. У эрта соат 10 дан 16 гача ва 18 дан кеч соат 22 гача қаттиқ ишларди. Кремлда сўнгги бор 1922 йилнинг 22 декабрида ишлади. Кунларнинг бирида қаттиқ оғриқдан кейин Владимир Ильич Кржижановскийга қулимсираб: «Ҳа, назаримда, устимга жуда катта юк олганга ўхшайман» деган эди.

Буюк назариётчининг жуда катта илмий мероси — мақолалари, докладлари, тадқиқотлари, ёзган китоблари, конспектлари, кундаликлари, хатлари, рецензиялари — буларнинг ҳаммаси фанни ҳаёт билан боғлаш, уни инсониятга хизмат қилдириш йўлидаги фидокорона меҳнатнинг ажойиб самараларидир.

В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельс ғояларини ижодий ривожлантириб, қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдамида совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, коммунизмга ўтадилар деган машҳур қоидани ишлаб чиқди ва назарий жиҳатдан асослаб берди. Коммунистлар партияси, Россия ишчилар синфи, Совет Шарқи халқлари бу қоидани дастуриламал деб қабул қилдилар. Шуниси қувончлики, Ўрта Осиё халқлари Владимир Ильич барҳаётлигидаёқ бу назарий қоидага амал қилиб, буюк тарихий сакрашни дадил бошлаб юборди-лар.

Бизнинг кунларда, ривожланган социалистик жамият шароитида Ўзбекистон халқлари мамлакатимиздаги барча қардош халқлар билан биргаликда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратмоқдалар. Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: **«Республикамизнинг экономикадаги, социал соҳадаги, маданиятдаги ҳамма муваффақиятлари ҳам ленинча миллий сиёсат принципларининг турмушга муттасил татбиқ этилганлиги билан боғлиқдир. Совет Ўзбекистони доимо СССРдаги барча қардош халқлар билан ёмма-ён, узвий бир сафда борганлиги учун ҳам у ўтмишдаги қолоқликдан шу қадар тез кўтарилиб, ҳар томонлама ривожланган, гуллаб-яшнаб турган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айланишига муваффақ бўлди».**

Шундай қилиб, Владимир Ильич меҳнаткашларнинг буюк пролетар доҳийси бўлиш билан бирга, айни вақтда гениал назариётчи, тенгсиз файласуф олим ҳам бўлган. Унинг ғоялари чиндан ҳам жуда катта илмий-ижтимоий кучга эгадир.

«Владимир Ильич Ленин ўз сиймосида буюк давлат арбоби ва талантли тадқиқотчи фазилатларини бирлаштирган шахсдир», — деган эди Финляндия Республикасининг собиқ президенти Урхо Калево Кекконен.

Монголияда чиқадиган «Ўнэн» газетасининг бош редактори Ценд Намерай бундай деб ёзган эди:

«В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятидаги ҳар бир штрих, ҳар бир фазнлат бизнинг учун улуғ доҳий ҳақидаги хотирагина эмас. Бу фазилатлар бизга ўз ишимизни муттасил яхшилаб бориш, амалий вазифаларни тўғри ҳал қилиш, совет халқининг коммунизм учун курашидаги умумий сафида бизнинг ўрнимизни ҳам тўғри белгилаб олишга ёрдам бермоқда».

Илмий башорат қудрати кучли бўлган Владимир Ильич халқларнинг революцион ва миллий-озодлик кураши кенг авж олишини, турли мамлакатларда социализм қурилишининг форма ва методлари хилма-хил бўлиши мумкинлигини олдиндан кўрган эди. В. И. Ленин назариясининг аҳамиятини юксак қадрлаш билан бирга, бу назария догма эмас, балки ҳаракатга қўлланма эканлигини ҳам қайта-қайта такрорлаган эди. У сиёсий арбоб сифатида марксча назарияни революцион практика билан жуда моҳирона, органик равишда уйғунлаштирган эди. Бу икки жиҳатнинг бирлигини революцион қурашнинг олий қонуни деб биларди. Шунинг учун ҳам ўз асарларида ҳаётдаги янги фактларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш билан бирга, жамиятни янада ривожлантириш истиқболлари, тенденциялари, йўналишларини ҳам белгилаб берарди.

Илмий социализм назариясини практика билан моҳирона уйғунлаштиришнинг яқол ифодаси социализмнинг айрим олинган бир мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги ҳақидаги таълимот ва бу таълимотнинг СССРда муваффақиятли амалга оширилганлигидир. Буюк назариётчи, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси В. И. Ленин ғояларини амалга ошира бориб, совет халқи КПСС раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият қурди ва эндиликда дадил одимлар билан коммунизмнинг нурафшон чўққилари томон бормоқда.

В. ШАПОВАЛЕНКО,
тарих фанлари доктори, профессор, Беруний комидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати.

ВИЗИТ ТУГАДИ

КОБУЛ, 19 апрель. (ТАСС). БМТ Бош секретари шахсий вакили Д. Кордовеснинг Афғонистон Демократик Республикасига қилган визити ниҳоясига етди. АҲДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгаши Раиси Бабрак Кармал ва АДР ташқи ишлар министри Ш. Дўст уни қабул қилдилар. Афғонистон пойтахтидан жўнаб кетиш олдидан Д. Кордовес афғон расмий кишилари билан бўлиб ўтган музокаларнинг амалий ва фойдали бўлганлигини уқтириб ўтди. БМТ Бош секретарининг шахсий вакили ўзига ҳурмат-эҳтиром кўрсатганликлари учун АДР раҳбарларига миннатдорчилик изҳор этди.

ҚАРОҚЧИЛАРНИНГ БЕБОШЛИГИ

МАНИЛА, 19 апрель. [ТАСС]. Филиппиннинг соҳил сувларида ҳаракат қилаётган қароқчилар Иловило вилоятининг Хиганте ороли районида пассажир паромига ҳужум қилдилар. Полиция вакилининг айтишича, қароқчилар экипажнинг 13 аъзосини ўлдиргандар ва пассажирларни талаганлар.

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

АММОН. Шу йилнинг биринчи кварталида Исроилда инфляция даражаси 20,3 процентга етган, бу эса ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичларга нисбатан анча кўпдир. Исроилда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, шу йилнинг март ойидагина энг зарур моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 5 процентдан ҳам ошиб кетган.

АНГЛИЯ — АРГЕНТИНА МОЖАРОСИ

ЛОНДОН, 18 апрель. (ТАСС). Буюк Британиянинг консерваторлар бошлиқ ҳукумати Фолкленд (Мальвин) оролларини туфайли Аргентина билан ҳарбий муҳолифлик йўлини давом эттирмоқда. Бош министр М. Тэтчер шанба куни кечқурун ўз кабинетининг етакчи аъзолари билан шошилинч кенгаш ўтказди, бу кенгашда кескинлашиб бораётган мажоронинг турли жиҳатлари муҳокама қилинди.

Лондондан олинаётган хабарларга қараганда, Англия урушга тайёргарликни тинимсиз кучайтирмоқда.

«Санди экспресс» газетасининг ёзишича, Англия Фолкленд оролларини туфайли уруш бошланган тақдирда Аргентинанинг ҳарбий базаларига зарба ўриш учун «Вулкан» стратегик бомбардимончи самолётларини ишга солишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу бомбардимончилар «Аргентинанинг ҳамма аэродромларини ва барча портларидаги иншоотларни вайрон қилиш қобилиятига эга», деб уқтирилади ахборотда.

Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, Вашингтон можарони «тинч бартараф этиш йўлини қидириш» тўғрисидаги дудмол мулоҳазалар ниқоби остида аввал бошланоқ НАТОдаги ўз иттифоқчиси Британия тарафига ўтиб олди ва унинг Аргентинага қарши уруш тараддудида Лондонга катта ёрдам бермоқда.

Ҳозир Буэнос-Айресда турган АҚШ давлат секретари А. Хейг, деб ёзади «Обсервер» газетаси, можарони ҳал этишга доир Американинг янги таклифларини Лондонга олиб келади, деб умид қилмоқдалар. Бу таклифларда Аргентина қўшинларини Фолкленд (Мальвин) оролларидан чиқариб юбориш ва у ерда Аргентина, Британия ҳамда Америка вакиллари иштирокида аралаш маъмурият тузиш кўзда тутилган. Сиёсий кузатувчиларнинг қайд этишича, бу — илгари АҚШ таклиф этган янги мустамлакачилик планининг сал-пал бежалган варианти, холос. Бу планнинг мақсади дунёнинг шу районида Вашингтоннинг позицияларини мустаҳкамлашдан иборат.

НЬЮ-ЙОРК, 18 апрель. (ТАСС). ЮПИ агентлиги Аргентинанинг «Гермес» авианосецидан шундай хабар қилади: «Буюк Британиянинг Фолкленд (Мальвин) оролларига эудлик билан ҳаракат қилиб бораётган ҳарбий-денгиз кучларининг кемаларида эрта тонгдан кечқурунгача жанговар машқлар ўтказилмоқда».

НЬЮ-ЙОРК, 18 апрель. (ТАСС). Эн-би-си телекомпанияси Порт-Стэнли оролларининг маъмурий марказидан эшиттирган хабарда шундай деб маълумот беради: «Аргентина қўшинлари британияликларнинг етиб келишига ҳозирлик кўрмоқдалар. Аргентинанинг ҳарбий самолётлари ва вертолётлари ороллар тепасида доимий равишда учиб юрибди. Оролга қўшин юборишдаги давом этмоқда. Солдатлар бу ерда ойлаб туришлари мумкинлиги ва урушга шай бўлишлари керакли тўғрисида огоҳлантириб қўйилган.

Аргентина флоти ҳам денгизга чиқди, дейилади шу телекомпаниянинг Буэнос-Айресдан берган репортажида. Ударнинг йўналиши ҳабар қилинмаса ҳам, аммо кемалар Фолкленд оролларига қараб бормоқда, деб ҳисобламоқдалар. Аргентина соҳил муҳофазаси кемаларидан бири ҳозир у ерда турибди. Бунинг маъноси шуки, кема ҳозирча сув остиларини аниқлаш ва ёрдамга ошираётган Британия қамалини муваффақиятли ёриб ўта олган.

БУЭНОС-АЙРЕС, 18 апрель. (ТАСС). Аргентина президенти генерал Л. Гальтиери Рим папаси Иоан Павел II-га мактуб йўллаб, Англия Аргентинага душманлик сиёсатини ҳамон қайсарлик билан ўтказаётганлиги, бу эса Англия флоти амалга ошираётган қамал билан тасдиқланишини қайд этди.

НЬЮ-ЙОРК, 18 апрель. (ТАСС). Аргентина ҳукумати Хавфсизлик Кенгаши раисига Аргентинанинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили топширган мактубда Аргентина ҳукумати оролдар туфайли чиққан можаро масаласи юзасидан БМТнинг тегишли резолюциясини бажаришга тайёр эканини билдирди, у можарони тинч бартараф этишга интилмоқда ва шу мақсадни кўзловчи ҳар қандай таклифни кўриб чиқишга тайёр эканлиги ҳужжатда таъкидлаб ўтилади. Бунинг учун Англия оролларни ҳарбий-денгиз кучлари билан қамал этишни бекор қилиши, ўзининг ҳарбий флотини чақириб олиш ва оролдар узра Аргентина байроғи ўрнатилишига рози бўлиши керак.

СССР 60 йилдошлик МУШОИРАСИ

Рўзи ҚОДИРИЙ

Уйғур шоири Рўзи Қодирийнинг шеърлари, адабий танқидий китоблари рус, ўзбек ва уйғур китобхонларига яхши таниш. Шоир ўзининг қайноқ илҳом билан битилган асарларида халқлар дўстлигини, қардошликни улуғлайди. Рўзи Қодирий СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллигини муносиб армуғон билан қарши олаётир. Унинг «Виждон садоси», «Она сайёра» ҳамда «Даъват» достонларидан иборат йирик назмий асари ана шу айёмга муносиб туҳфадир. Шоир бу асарларида халқларнинг озодлик йўлидаги курашлари, улуғ инқилоб ва бебаҳо самаралари ҳақида ҳикоя қилади. Қуйида сиз Рўзи Қодирийнинг «Даъват» достонидан айрим боблар билан танишасиз.

ДАЪВАТ

Ленин ақлу заковатин,
Фикрин сўнмас шами бўл!
Инсоннят тилакларин,
Орзуларин жами бўл!
Сўйла, олтин шафақларин,
Дил қўрим соч, куйларим!
Ёвузликни ўртаб учгил,
Ез кенг қулоч, куйларим!
Ишчиларнинг жасорати,
Қудратидай бўл буюк!
Деҳқонлардай сахий, қайноқ,
Олий ҳиммат бўл — суюк!
Ихтиёрчи даҳосидек
Кашфиётга чорлаб уч!
Фазогирлар изларидан
Самоватга порлаб уч!
Улуғ карвон бонгисимон
Қўндирма кўзга мудроқ!
Ундайвергин олга сари,
Уйғот ҳавас, иштиёқ!..
Тоғу денгиз, қитъалар ош,
Соҳиллару манзил ош!
Жафокашлар манглайин ўп,
Куйинга бўл оҳангдош!

* * *

Мен башарнинг заррасиман,
У беўлчов вужуддир.
Куч-қуввати, каромати
Беқиёс, беҳудутдир.
Борлиққа у ҳукмрондир,
Қойил борлиқ, эгар бош!
Зар тожини тақмоқ учун
Интилар унга қўёш!
Яшамоғим маҳол усиз,
У жонимму дармоним!
У туфайли муқаддасдир
Мафкураму имоним!
Ишқи—ишқим, аҳди—аҳдим,
Иродаси — иродам.
Шарофати — шарофатим,
Таронаси — таронам.
У жамғарган жавоҳирлар
Бебаҳодир менга ҳам.
Муштарақдир бор иқлимга,
Унда олам магзи жам.
Башар ҳаёт-мамотига
Қароймайман бепарво!
Эрк нашъасин суғсин барча,
Ғам чекмасин мутлақо!
Қолсин фақат пуғатларда
«Ҳоким», «маҳкум» деган
сўз!
Кўрсин ҳамма тонг ҳаловат,
Сарғаймасин бирон юз!
Адолати ҳаққонят
Тенгликка жон қўшавер!..
Омонлиғу эзгуликнинг
Шарори бўл, жўшавер!..

* * *

Мен башардан бир
томчиман,
У довулли бир уммон.
Чайқаб борар оламни у,
Гарддан ювар онма-он!
Тўлқиниларр манглай тери,
Саодатга заруф жой.
Совет унинг пойдеворн,
Таянчидир ҳар замон.
Унда ҳаёт жозибаси,
Дилбарлиги мужассам,
Қалқиб турар эди ният,
Не-не матлуб, мақсуд ҳам.
Осмонаро кўчса юлдуз
Турфа хаёл, ўй сургум!
— Тушмасин, — деб
бошимизга,
Табиатга ёлворгум!
Табиат-чи, ҳайратда дер:
— Эҳ, юлдузлар йироқда!
Одамдан қўрқ, не-не
қалблар
Орзуманду фироқда!..
Жаҳон нотинч,
алғов-далғов,
Икки оқим, икки йўл!
Бириси нур, бири зулмат,
Бири тикон, бири гул!
Мисли жаннат, сочур
хушбўй,
Яшнаш, қуваш чорлайди.
Олишади аёз билан, —
Жиполайди, порлайди.
Ёвузликни даф этмакчун
Курашади мардона.
Куррамизни асрамоқлик
Ундаги аҳд-паймона.
— Тўхтасин! — дер, —
қуролланмоқ, —
Хавф-хатар қадами!..
Кул бўлмасин ядроларда
Бу тириклик олами!..
Зулмоту кулфат битсин,
Учсин боқинлар изи!...
Биродарлик масканига
Айлансин бу ер юзи!
Сайёрамиз нидосидир.
Шу олий мақсад — тилак!
Ақл чўғин, даврим руҳин
Намойиши бу, демак!

* * *

Мен башардан митти учқун,
У жаҳоний бир оташ.
Юраклларнинг ёнишлари,
Уришлари ҳам туташ.
Ҳўр дунёмиз диёрларин
Рағбати бўл, даъватим!
Чақнаб суғсин сен-ла
менинг
Фикрим-зикрим, ҳимматим!
Қитъаларга алвон, алвон
Гул экканлар куйдошим!
Асрим шонин, ғалабасин
Улғайтганлар тўйдошим!

* * *

Озодлик, бахт,
дўстлик учун
Жон олгану жон берган,
Ҳудди мендек бахти кулган,
Шодлик қучган ҳар бир эл,
Йўлларимга йўли туташ,
Бойлангандир дилга-дил.
Мен уларга томирдошман,
Юракдошман, юракдош.
Бирга тепар қўш юраклар,
Бир-бирига тилакдош.

* * *

Мен башарга тилайман шон,
Шарафларга чўмилсин!
Эрку бахтнинг йўлларига
Олам боғлари тўлсин!

* * *

Бахтга шайдо ва фидокор
Ҳар бир элга ҳамдамман.
Хоҳ қаҳратон, хоҳ саратон,
Хоҳ куз, баҳор бирдаммман.
Оловларда, бўронларда,
Довулларда бир ўтгум!
Қутлаб қутлуғ айёмларда
Қуноқлагум, гул тутгум!
Заҳмат, меҳнат, ижод аҳлин
Жарчисиман, жарчиси!..
Тинчлик, шодлик,
маъмурликнинг
Жангчисиман, жангчиси!...
Хитобларим, шитобларим
Эзгуликка қанотдир.
Унга парвоз бағишлаган
Ленинчи мард ҳаётдир.
Уша ҳаёт севгисидан
Ҳисларим, туғёнларим!..
Қувонч, севинч куйидадир
Истагу армонларим!
Қитъаларнинг ҳусида нур,
Нури, Ленин шуъласи!..
Жўшар ундан Бойналминал
Руҳиятин чашмаси!..

* * *

Жумла жаҳон кўкида сўз,
Бўл хушнудлик шамоли!
Юракларни тўлқинлантир,
Ошар жонлар мажоли!..
Бу нурафшон дунёмизнинг
Ҳайқириғи бўл, абад!..
Дилдан дилга сингиб борар
Чақириғи бўл, абад!..
Бўйла олтин шафақларни,
Гуркирайвер даъватим!
Ушалсин ҳар муддаом,
Умид ҳамда ниятим!

АХБОРОТ

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

Қўрғон Элликқалъа районидаги маиший хизмат уйи дастлабки буюртмаларни қабул қила бошлади. Икки қаватли ҳашаматли эллик ўринли янги объектда саккиз тур бўйича маиший хизмат кўрсатилади. Бичиш-тикиш цехи, пойабзал ремонти, сартарошхона, фотография бўлимлари энг янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Райондаги биринчи комплекс маиший хизмат кўрсатиш уйида хизмат кўрсатиш турлари ўн учтага етказилади.

БИНОЛАРГА ИККИНЧИ УМР

Районда янги хўжаликлараро ташкилот иш бошлади. Бу қишлоқлардаги ноишлаб чиқариш биноларига иккинчи умр берувчи коммунал ремонт қилиш корхонасидир. Янги коллектив аъзолари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда колхоз-совхозлардаги ўнлаб болалар боғча-яслилари ва идораларини жорий ва капитал ремонт қилиб беради.

ЯНГИ КОРХОНА

Бўстон посёлкасининг қошида пиллани қуритиш ва дастлабки ишлов бериш корхонаси қурилиши бошланди. Бу ерда «Ресколхозстрой» трестининг 80-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси 810 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Корхона келаси йилдан эътиборан 200 тоннага яқин «кумуш тола»ни қабул қилади, қуритиб, пиллага ишлов беради.

ИЙРИК БИЛИМ МАСКАНИ

Район марказида йирик мактаб биносининг қурилиши бошланди. 1 минг 176 нафар ўқувчига мўлжалланган бу йирик билим масканини «Юқаракалпакводстрой» трестига қарашли 2-Элликқалъа кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари амалга оширмоқда.

Эндиликда райондаги 44 та мактабнинг ҳаммаси ҳам типовой биноларга эгадир. Бу — умумий таълим системасида ўқув кабинетларидан тўла фойдаланиш имконини яратиб берди.

А. ИСКАНДАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбирлар постининг бошлиғи.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

ДЎСТИМГА МАКТУБ

Мен анча кексайиб қолганман. Ёшинг ўтиб борган сари ҳаётингда бўлиб ўтган, қалбингда ўчмас из қолдирган воқеаларни тез-тез эслар экансан. Айниқса, Улуғ Ватан урушининг оловли йўлларида бирга одимлаган, ёнма-ён жанг қилган полкдош дўстларим ҳамон кўз олдимда худди кино лавҳадагидек намоён бўладилар. 1941—1945 йилларидаги воқеалар кўз олдимга келади.

Урушни Австрияда тугатганман. Ёқуб Тўлаев билан уруш йилларида танишганман. У менга Ўзбекистоннинг Наманган областидан эканлигини айтган. Бирга суратга тушганмиз. Бундан ташқари у ўзининг иккита суратини эсдалик учун менга ҳадя қилган. У отаси билан ҳам фронтда суратга тушганини айтган эди.

Ёқуб Тўлаев Унган шаҳри яқинида оғир ярадор бўлганлигини айтишганда, мен санитария батальонига югуриб бордим. Афсуски, уни фронт ичкарисига жўнатиб юборишган экан. Ҳарбий врач менга унинг гимнастёркасидан олинган «Қизил юлдуз» ордени ва орден китобчасини, гувоҳнома ва комсомол билетини берди. Ўша куни аксига қаттиқ жала қўяётган эди. Адресни ёмғир ювиб юборибди. Бундан қаттиқ ҳафа бўлдим. Лекин на илож. Шу кунгача дўстимдан ҳеч қандай хабар топмадим.

Ёдимда: 53-армиянинг генерал-лейтенант Маногаров қўмондонлигидаги 299-Харьков ўқчи дивизиясига қарашли 956-ўқчи полк Пугачинодан Деликово ва Дубосаргача бўлган марраларда турарди. Ўзбекистонлик Ёқуб Тўлаев эса иккинчи батальоннинг 4-ротасига қарашли ўқчи взводига командирлик қиларди. Немис қўшинлари қарши ҳужумга тайёргарликни авж олдирган. Разведка маълумотларига қараганда, фашистлар бу ерда кўплаб куч ва техникани тўплаганлар. Бизнинг ротамиз, шунингдек, Ёқуб Тўлаев взводи душман тиш-тирноғи билан ёпишиб олган Дубосар қишлоғини тозалаши лозим эди. Биз автоматлар, қўл пулемётлари ва гранаталарни тайёрлаб, ўт очиш марраларини эгаллаб турардик.

Ё. Тўлаев взводи ёмғирдек ўқ ёғиб турган пайтда муҳим ўт очиш маррасини эгаллади. Душманнинг кўплаб ўт очиш нуқталарини йўқ қилди. Ёқуб ярадор бўлганлигига қарамасдан жанг майдонини тарк этмади. Взвод жангчилари тунда эмаклаб бориб, фашистлар устига ажал ўтини ёғдирдилар. Буидан саросимага тушган душман Дубосаргача Тўлаев взводи жимиб қолди. Немислар айланиб ўтиб, орқа томондан ҳужум қилишаётган экан. Лекин Тўлаев взводи жангчилари бўш келишмади. Улар қўлларидаги барча қуроллардан ўт очиб, рақибларни «тинчитдилар». Взводда саккиз жангчи қолди. Лейтенант Тўлаев душман устига ўт очишда давом этиш тўғрисида буйруқ берди. Бирдан Ёқуб Тўлаев взводининг овози бизга эшитилиб қолди. Маълум бўлишича, Ёқуб Тўлаев учта пулемётдан ўқ узаётган экан. Икки жангчи эса ленталарни узатиш ва қутиларни ташиш билан банд экан.

— Мана шундай жанг қилиш керак, — дедим батальон командири майор Беловга.

Алоқачи Геннадий Степанов келиб бизга Ёқуб Тўлаев взводи жангчиларининг жасорати ҳақида мароқ билан сўзлаб берди.

Взвод жангчиларининг ҳаммаси мукофотландилар. Дўстим Ёқуб Тўлаев эса жанг майдонларида кўрсатган жасорати учун «Қизил Юлдуз» ва иккита «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган эди. У Сталинградни мудофаа қилишда, Мамай қўрғонини душмандан тозалашда зўр мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамон ёдимда. У билан биринчи марта Сталинград областида учрашган эдим.

Ёқуб Тўлаевнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати бугунги ёш авлод учун она-Ватанга садоқат намунаси бўлиб хизмат қила олади.

П. М. ЛЕБЕДЕВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Харьков шаҳри.

Тошкентда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий Совети биринчилиги учун камон отиш мусобақалари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Қизлар ўртасида мамлакат терма командасининг аъзоларидан спорт мастерлари А. Качур (Молдавия), О. Забугина (Белоруссия), ўсмирлардан С. Калиниченко (Молдавия)лар маҳорат кўрсатишди. Яна бир неча кундан кейин «Меҳнат резервлари» спорт комплексида мамлакат чемпионати баҳслари бошланади.

Суратда: очколарни ҳисоблаш.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ШАШКА:

ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШ

Бугун Тошкентда совет шашкачилари — харьковлик Вадим Вирний билан ленинградлик армиячи Александр Дибман ўртасида жаҳон чемпионлиги учун ҳал қилувчи учрашувлар бошланади. Ҳар иккала шашкачи ўтган йили Бельгияда ўтказилган жаҳон чемпионатида бир хил натижа билан биринчи ва иккинчи ўринларни баҳам кўришган эди.

Республикамиз пойтахтида жаҳон чемпионини аниқлаш учун ўзига хос йирик бахс ўтказилишининг боиси бор. Чунки Ўзбекистонда шашкага бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораяпти, оммавийлиги ошмоқда. Бугунги кунда республика шаҳар ва қишлоқларида 300 мингдан ортиқ йигит-қиз шашка доналарини сурмоқда. Спортнинг мазкур тури Ўзбекистон спартакиадаси программасига киритилган. Қишлоқларда, физкультура коллективлари ва уй-жойларда оммавий мусобақалар уюштирилмоқда.

Самарқандлик М. Фозилов Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари спортчилари ўртасида биринчи гроссмейстер номига сазовор бўлди. Халқаро классдаги спорт мастери тошкентлик С. Давидов юз катакли шашка бўйича мамлакат терма командасининг аъзосидир. Фақат ўтган йилнинг ўзида республикамиз шашкачиларидан тўққиз киши СССР спорт мастери бўлди. Республикамиз аёллар ўртасида халқаро мусобақалар ўтказиш маскани бўлиб қолди. Тошкентда «Шашка юлдузлари», Самарқандда анъанавий равишда ўтказилаётган «Сўғдиёна юлдузлари» Бутуниттифоқ турнири мутахассисларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Жаҳон чемпиони номини олиш учун ўзаро баҳслашаётган шашкачидан бири — В. Вирний Харьковдаги 15-мактабнинг битирувчисидир. У шашка ўйнашни саккиз ёшидан бошлаган. Орадан тўрт йил ўтгач, спорт мастери бўлиб, 1979 йили ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Ўтган йили эса мамлакат чемпионатида муваффақият қозониб, жаҳон чемпионатида биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олди. Бу ютуқ унга гроссмейстерлик талабини бажариш имконини берди. Вирнийга отаси устозлик қилмоқда.

Ҳал қилувчи баҳснинг иккинчи иштирокчиси гроссмейстер Александр Дибман 1974 йилдан бери дона суриб келмоқда. Икки йил ичида спорт мастери, 1978—1980 йилларда ўсмирлар ўртасида СССР чемпиони бўлди. Утган йили Александр гроссмейстерлик талабини бажариб, Кисловодскда ўтказилган халқаро турнирда муваффақият қозонди. Кейин жаҳон чемпионатида В. Вирний билан биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олди. Унга спорт мастери В. Крамаренко билан халқаро гроссмейстер А. Могилянскийлар тренерлик қилишмоқда.

Чемпионлик учун курашувчи ҳар икки шашкачи халқаро федерация низомига кўра ўзаро олти учрашув ўтказади. Барди-ю, ҳисоб дуранг бўлса, жаҳон чемпиони номи яхшироқ коэффициентга эга бўлган В. Вирнийга берилади. Мусобақалар бир ҳафта давом этади. Дона суриш баҳслари бугун «Искра» кинотеатрида бошланади.

Б. КАНИШЧИКЕР,
Узбекистон шашка федерациясининг раиси, мусобақа бош судьяси.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **ФУТБОЛ.** Олий лига командалари ўртасида бешинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Торпедо» — «Арарат» — 1:0, «Зенит» — «Черноморец» — 0:0, «Кубань» — «Динамо» (М) — 4:1, «Днепр» — «Пахтакор» — 0:0, «Металлист» — «Қайрат» — 0:1, «Торпедо» (К) — «Нефтчи» — 1:0, Тбилиси ва Киев динамочилари СССР терма командасининг Буэнос-Айресда Аргентина футболчилари ҳамда Оливарриа шаҳрида «Лома Негра» клуби билан ўтказган (1:1, 0:1) ўртоқлик учрашувлари муносабати билан чемпионат ўйинларида иштирок этишмади. Ҳозир «Пахтакор» командаси 8 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Етти очко тўплаган «Кубань» футболчилари иккинчи, қайратчилар олти очко билан учинчи ўринларни эгаллаб турибдилар. «Динамо» (К), «Нефтчи», «Спартак», «Арарат», «Динамо» (Мн) коллективларида бештадан очко бор.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Аср бошида. Бадиий фильм. 11.05 — Концерт. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.10 ва 15.00 — — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.30 — Экономика тезкамли бўлиши керак. 16.45 — Классик кураш бўйича Европа чемпионати. 17.15 В. Маяковский. Жуда соз. Поэма. 18.15 — Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Лениндан ўрганамиз. 20.00 — — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Викторина. 23.10 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.00 — Фан оламида. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Физика. 11.05 — Уйғониш даври санъати. 12.40 ва 13.50 — Ботаника. 13.30 — Қурилиш ва архитектура. 14.10 — Илмий-оммабоп фильм. 14.20 — А. П. Чехов. Ваня тога. 15.05 — Жюль Верн. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.50 — Ўқитувчи экрани. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Ленин Горкисида камер кечалари. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Спорт ҳафталиги. 21.15 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Цемент. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Инсон ва табиат. 12.30 — Мультфильм. 18.15 — Тенгдошларинг ижоди. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Ёзувчи ёш дафтардан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Интернационализм амалда. 20.20 — Икарлар. Фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Куйла, дилкаш дуторим. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методлари. 22.20 — Тақдиринг учун. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Математика. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Кинопрограмма. 20.55 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

8.30 — Лирик концерт. 9.30 — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Скрипка ижроси учун пьесалар. 20.50 — Ўзбекистон ССР савдо палатаси 50 ёшда. 21.00 — Ғ. Ғулом. Йигит. Қиқоя. 21.20 — Механизаторлар учун концерт. 22.30 — Совет Армияси жангчилари Сизлар учун.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

27 АПРЕЛЬ ВА 11 МАЙДА МАТЕМАТИКА ВА ФИЗИКА ФАНЛАРИ ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ОЛИМПИАДА ЎЙИДАГИ ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ — Ленинск шаҳри, К. Маркс кўчаси, 53-уй.

БУХОРО ОБЛАСТИ — Бухоро шаҳри, 14- ва 21-мактаб.

СИРДАРЕ ОБЛАСТИ — Гулистон шаҳри, Короленко кўчаси, 48-уй, 1-мактаб.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ — Жиззах шаҳри, 2-микрорайон, Тошкент политехника институтининг умумтехника факультети.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ — Наманган шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 57-уй, Педагогика институти.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ — Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси, 6-уй, 2-мактаб.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР — Нукус шаҳри, Ленин кўчаси, 45-уй, Пушкин номидаги 1-мактаб.

СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТИ — Термиз шаҳри, Восточная кўчаси, 12-мактаб.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ — Урганч шаҳри, Дмитриев кўчаси, 261-уй, Беруний номли 17-мактаб.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ — Фарғона шаҳри, Садовая кўчаси, 30-уй, 1-мактаб.

ҚАШКАДАРЕ ОБЛАСТИ — Қарши шаҳри, Навоий номидаги 2-мактаб.

ОЛИМПИАДАНИ ЎТКАЗИШ ПРОГРАММАСИ:

институт етакчи олимларининг чиқишлари;

кириш имтиҳонларига тайёрлаш ва уларни топшириш бўйича методик маслаҳатлар;

олимпиада иштирокчилари бажарадиган контроль ишлар кириш имтиҳонлари даражасида ўтказилади;

олимпиадага якун ясаш ҳамда голибларга ёрлиқ ва дипломларни топшириш.

Олимпиада соат 11.00 да бошланади.

СССР Алоқа министрлиги

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДИАЛЕКТИК ВА ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ, НАЗАРИЯ, АЛОҚА, ТАРМОҚ КАНАЛЛАРИ ОРҚАЛИ АХБОРОТ УЗАТИШ СИСТЕМАЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ, АЛОҚА УЗЕЛЛАРИ ВА АХБОРОТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун аспирантурага тугалланган олий маълумотга эга бўлган, илмий-тадқиқот ишларига қобилиятини кўрсатган ва тандаган ихтисос профили бўйича олий ўқув юртини тугатганидан буён камида икки йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, 35 ёшдан катта бўлмаган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 45 ёшдан катта бўлмаган СССР гражданлари қабул қилинади.

Аспирантурага кирувчилар ихтисоси, КПСС тарихи ҳамда олий ўқув юрти программаси ҳажмида чет тилларининг биридан конкурс имтиҳонлари топширадилар.

Аспирантурага кирувчилар ректор номига ёзилган аризага қуйидагиларни қўшиб топширадилар: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси (фотосурат билан), сўнгги иш жойидан характеристика, таржимаи ҳоли, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати, эълон қилинган илмий ишлари бўлмаганлар танлаган ихтисоси бўйича илмий докладларни (рефератларни) тақдим этадилар. Бевосита олий ўқув юртини тугатган чоғда аспирантурага тавсия қилинганлар учун илмий Кенгаш мажлиси протоколидан кўчирма; кандидатлик имтиҳонларини тўлиқ ёки қисман топширган шахслар учун кандидатлик имтиҳонлари топширганлиги ҳақидаги 3.2 формасидаги гувоҳнома; олий ўқув юртини тамомлагани ҳақидаги диплом (зачет ведомостининг нусхаси билан), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, (иш жойида тасдиқланган), 4 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 1982 ЙИЛ 10 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Батафсил маълумотни институтда, қуйидаги адресдан олиш мумкин: 700084, Тошкент шаҳри, Е—84-алоқа бўлими, Энгельс кўчаси, 108-уй, Телефонлар: 35-77-76, 35-97-39.

ЎЗБЕКИСТОН АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

акушерлик ва гинекология (4 ўрин) **мутахассислиги бўйича**

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адресга топширилсин: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 272-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IV да **Келинлар қўзғолони**, 22/IV да **Қизил яйловдаги кўк тулпорлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IV да **Хизматингизга тайёрмиз**, 22/IV да **Ёшлинда берган кўнгил**, 23/IV да **Гулсара.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IV да **Тикансиз типратиканлар**, 22/IV да **Тун қиссаси**, 23/IV да **Зада бўлган пайғамбар.**

ЯНГИЧА МАРОСИМЛАР — ҲАЁТГА

ШИФОКОР БУРЧИ

Ёш ота-оналарни биринчи фарзанд билан табриклаб, уларга тантанали вазиятда туғилганлик гувоҳномасини топшириш, бахтиёр онани чақалоғи билан туғуруқхонадан уйига шифохона машинасида элтиб қўйиш, «Бахт» уйларида янги турмуш қураётган келин-куёвларга шахсий гигиена мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказиш кундалик турмушимизга кириб бормоқда. Тўйларни ортиқча дабдабасиз ўтказилишига эришиш юзасидан ибратли ишлар қилинмоқда.

Шифокорлар жойларда янги маросимларни пропаганда қилишга, эскилик сарқитларига қарши курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Яқинда республика Соғлиқни сақлаш министрлигида ана шу масалага бағишлаб, илмий йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда меҳнаткашлар ўртасида янгича маросимларни пропаганда қилишни янада яхшилаш юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида Самарқанд, Фарғона, Сирдарё ва Наманган область санитария маорифи уйлари бош врачлари ахборот бердилар. Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори Х. Ҳакимов, медицина фанлари докторлари, профессорлар Ш. Отабоев, С. Исмоилова ва бошқалар ўз нутқларида янгича урф-одатларни аҳоли ўртасида, хусусан, қишлоқларда кенг жорий этишда шифокорлар олдида турган вазифаларга тўхталдилар.

Илмий анжуманда медик олим ва шифокорлардан ташкари ЗАГС ходимлари иштирок этдилар.

Ю. АҲРОРОВ,
республика санитария маорифи уйи ходими.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия ҳаёти — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-53-21; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01909. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 92. 7